

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA
O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI

IJTIMOIIY-IQTISODIY FAKULTETI

“IQTISODIYOT” kafedrası

**5230100-“Iqtisodiyot” ta’lim yo’nalishi
talabasi**

Yangiboyev Sobirning

**“KICHIK BIZNES SUBYEKTLARINING
MOLIYAVIY- XO’JALIK FAOLIYATINI
AMALGA OSHIRISH MEXANIZMI VA
UNI TAKOMILLASHTIRISH”**

mavzusida bajargan

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Rahbar:

**“IQTISODIYOT” kafedrası
o’qituvchisi MAHMUDOVA G.R.**

Guliston – 2018

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги
 Гулистон давлат университети ижтимоий-иқтисодий факультет
 5230100-“Иқтисодиёт” таълим йўналиши талабаси Янгибоев
 Собирнинг “Кичик бизнес субъектларининг молиявий-хужалик
 фаолиятини амалга ошириш механизми ва уни такомиллаштириш”
 мавзусида бажарган битирув малакавий ишига
 ТАҚРИЗ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифаларни сўзсиз бажарилишининг таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган дастурлар ижросини таъминлаш, мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан иқтисодиётни жадал ривожлантириш, фойдаланилмаётган захираларни ҳисобга олган ҳолда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш ҳисобига ҳудудларни янги иш ўринларни яратиш аҳолини турмуш даражасини оширишга қаратилган.

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда узининг натижаларини намоён этмокда. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мақеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормокда. Бунда мамлакатимиз раҳбари томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йулларининг аниқ ва тугри курсатиб берилганлиги бош мақсад йулидаги ютук ва марраларнинг салмокли бўлишига имкон яратди.

Республикаимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ҳақиқий мулкдорлар сафини кенгайтириш, кичик бизнес субъектларининг фаолиятини молиялаштириш ва ривожлантириш, улар учун барча жабҳаларда қулай имкониятлар яратишдир.

Битирув малакавий ишида келтирилган назарий ва амалий маълумотлар, курсаткичлар тахлили, ҳулоса ва таклифлардан кичик бизнес субъектларининг молиявий-хужалик фаолиятини амалга ошириш механизми қуламини кенгайтиришда, шунингдек, талабаларга кичик бизнес субъектларининг молиявий-хужалик фаолиятининг назарий жихатларини тушунтиришда фойдаланиш мумкин.

**Гулистон шаҳар
 АТБ Агробанк бошлиғи:**

Хушвахтов У.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги
Гулистон давлат университети ижтимоий-иқтисодий факультет
5230100-“Иқтисодиёт” таълим йўналиши талабаси Янгибоев Собирнинг
“Кичик бизнес субъектларининг молиявий-хужалик фаолиятини
амалга ошириш механизми ва уни такомиллаштириш” мавзусида
бажарган битирув малакавий ишига раҳбар
ХУЛОСАСИ

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоянча этмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўллари аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Республикаимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойларини яратиш, ҳақиқий мулкдорлар сафини кенгайтириш, меҳнат ресурсларидан самарали ва адолатли бошқарувчи раҳбарларни шакллантириш, улар учун барча жабҳаларда қулай имкониятлар яратишдир. Биринчи президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда қанчалик ўта муҳим роль ўйнашини албатта чуқур англашимиз зарур".

Тадбиркорлик субъектларининг айниқса аҳоли даромадларини оширишдаги роли бекиёсдир, чунки тадбиркорликнинг ривожланиши бир томондан, аҳолини иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилса, иккинчи томондан аҳоли даромадларини ошириш имкониятини яратади. Буларнинг барчаси битирув малакавий иши мавзусининг қанчалик долзарблигини белгилаб беради.

Битирув малакавий ишида келтирилган назарий ва амалий маълумотлар, кўрсаткичлар таҳлили, хулоса ва таклифлардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг аҳоли даромадларини оширишга қаратилган фаолият кўламини кенгайтиришда, шунингдек, талабаларга аҳоли даромадларини оширишнинг назарий жиҳатларини тушунтиришда фойдаланиш мумкин. Талабамиз ўз ишида қўйилган мақсад ва вазифаларни тўлиқ бажарган. Талабамизнинг битирув малакавий ишини амалдаги Низомлар талабларига тўлиқ жавоб беришини, унинг билими ва малакаси қўйилган муаммоларни мустақил ҳал қилишга етарли эканлигига ишонч билдираман. Шу сабабли Янгибоев С.нинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишининг аҳоли даромадлари шаклланишига таъсири” мавзусидаги битирув-малакавий ишини давлат аттестация комиссиясида ҳимоя қилишга тавсия этаман.

Иш раҳбари:

«Иқтисодиёт» кафедраси
ўқитувчиси Г.Махмудова

МУНДАРИЖА

КИРИШ.	3
I БОБ. КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ ДАВЛАТ ТОМОНДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ.	8
1.1. Кичик бизнес субъектларининг моҳияти ва бугунги кундаги аҳамияти.	8
1.2. Кичик бизнес субъектларининг молиявий фаолиятининг ижтимоий ва иқтисодий асослари.	19
1.3. Кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётда тутган ўрни ва унинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиш тизими.	31
II БОБ. КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ РИФОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.	40
2.1. Кичик бизнес субъектларида молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили.	40
2.2. Кичик бизнес субъектларининг молиявий фаолиятини ривожлантириш йўналишлари.	50
2.3. Кичик бизнес субъектларини молиялаштириш механизмини ва уни такомиллаштириш имкониятлари.	57
ХУЛОСА.	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	75

КИРИШ

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Бежизга Президентимиз Ислон Каримов “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”¹ деб таъкидлаб ўтмаган. Чунки, мамлакатимиз ва унинг ҳар бир ҳудудининг иқтисодий юксалишида, ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барқарорлашишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг урни катта. Ушбу соҳага мустақилликнинг биринчи кунларидан катта эътибор қилиниб келинмоқда. Мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришнинг узига ҳос тизими ва давлат сиёсатининг асосий йўналишлари шаклланди.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакат ижтимоий иқтисодий ҳаётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик алоҳида уринга эгаллиги туфайли бу масала урганилиши лозим бўлган муаммолардандир. Чунки, иқтисодиётни модернизация қилиш жараёни узлуксиз давом этиб турган пайтда ушбу соҳадан тушадиган маблағлар бир томондан, иқтисодиётнинг ривожланишини таъминласа, иккинчи томондан, аҳоли ижтимоий ҳаётининг яхшиланиши учун муҳим роль уйнайди.

Мазкур соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини янада ривожлантириш, ушбу субъектларни биринчи галда хусусийлаштириш, хусусий секторда фаолият курсатаётган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

сохаларни кенгайтириш, хизматлар бозорида мулкчиликнинг барча шакиллари учун кенг шарт-шароитлар яратиш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб берилди. Буларнинг ҳаммаси иқтисодиётнинг ривожланишида хал қилувчи ролни ўйнаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларга дахлдордир.

Кичик бизнеснинг афзаллиги шундаки, улар мослашувчанлик хусусияти туфайли тез орада фаолият ўзгаришларини ўзгартира олади. Катта компаниялар миллионлаб маҳсулот ишлаб чиқариб, тўсатдан бошланган инқироз туфайли ўз маҳсулотларини сота олмаслиги мумкин. Кичик бизнес вакиллари табиийки бундай вазиятларда осон ечим топадилар. Бу билан айтиш мумкинки, ҳар қандай иқтисодий танглик шароитидан чиқиб кетиш хусусий тармоқнинг қай даражада ривожланганлиги билан баҳоланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга молия институтлари ва тижорат банк ташкилотларнинг кредит линияларини жалб этиш иқтисодиётни тараққий эттиришнинг, энг аввало жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий янгилаш, шунингдек аҳоли фаровонлигини ва бандлигини ошириш, истеъмол бозорининг миллий маҳсулотлар билан тўлдириш, ишлаб чиқаришни сифат жаражасига қўтариш ва экспорт салоҳиятини оширишнинг бош дастаги ҳисобланади.

Йил бошида ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, энг муҳими, Конституциямизда кўзда тутилганидек, хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, Ўзбекистон иқтисодиётида давлат иштирокини босқичма-босқич камайтиришга қаратилган бир қанча ишлар ва дастурлар ишлаб чиқилди. Ҳозирда кичик бизнес субъектлари фаолиятини

молиялаштириш мақсадида молия институтлари, тижорат банк ташкилотлар ҳамда хорижий давлат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда ва уларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шунга қарамай, ҳамон кичик бизнеснинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондириш масаласи долзарблигича қолмоқда. Шу сабабли танланган мавзу - кичик бизнес субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини амалша ошириш механизми ва уни такомиллаштириш ҳозирги даврда жуда зарур ва долзарбдир.

Ишнинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес молиявий-хўжалик фаолияти ташкил этилиши ва ривожлантиришини айрим жихатлари Й.Шумпетер, А.Хоскинг, Р.Хизрич, М.Питерс, Ф.Хайек, К.Дж.Лембендларнинг илмий асарларида тадқиқ қилинган. Ўзбекистонда сўнгги йилларда кичик бизнес субъектлари фаолиятининг назарий жихатлари, ҳамда унинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни иқтисодчи олимлардан А.Вахобов, О.Иминов, Ш.Эргашхуджаева, А.самадов, Н.Жумаев, У.Азизов, Г.Яхшибоев, Ш.Ахмаджонов, С.Холмуродова, У.Гафуров, Р.Юнусов ва Р.Омоновларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг асосий мақсади Сирдарё вилояти кичик бизнес субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг хусусиятлари, зарурлиги ва турларини назарий ўрганиб, умумий таҳлилини амалга ошириш ва кичик бизнес субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

Мақсадга эришиш учун қуйидаги асосий вазифалар белгилаб олинди:

- кичик бизнес субъектларининг мохияти ва бугунги кундаги ахамиятини аниқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кичик бизнес субъектларининг ўрни ва ривожланишини ўрганиш;
- кичик бизнес субъектларининг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини илмий жиҳатдан асослаб бериш;
- кичик бизнес субъектларининг молияфий-хўжалик фаолияти таҳлилини ўтқозиш;
- кичик бизнес субъектларини давлат томонидан молиялаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини илмий изоҳлаш;
- кичик бизнес субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини кредитлаш шакллари ва манбаларини илмий асослаш;
- кичик бизнес субъектларини молиялаштириш бўйича янги тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш;
- кичик бизнес субъектларини молиялаштиришдаги муммоларни аниқлаш, ечими топиш ва бошқалар.

Ишнинг илмий янгилиги аввало шунда намоён бўладики, унда кичик бизнес субъектларининг фаолиятини молиялаштириш механизми Сирдарё вилоятидаги кичик бизнес субъектларини таҳлил қилиш орқали молиялаштиришнинг янги йўналишлари илмий жиҳатдан ёритилган.

Тадқиқотнинг объекти. Изланиш объекти сифатида Сирдарё вилояти кичик бизнес субъектлари фаолияти олинди.

Тадқиқотнинг усуллари ва услубиёти. Мазкур битирув малакавий ишни бажаришда МДХ ва республикамиздаги кўзга ташланган иқтисодчи олимлар асарларидан, шунингдек, республика ҳукумати томонидан чиқарилган қарорлар ва қонунлар, республика ва вилоят статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланилди. Шунинг билан бирга иқтисодий жараёнлар ва фаолиятларни ўрганиш

ҳамда таҳлил қилишда тизимли ёндашувлардан, шунингдек кузатиш, математик моделлаштириш, анализ, синтез ва ижтимоий сўров усулларида фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот ишида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш тизимини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини янада чуқурлаштиришда, молия-кредит муассасаларининг кичик бизнес субъектларини фаолиятини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқишда, кичик бизнес микромолиявий қўллаб-қувватлаш дастурларини яратиш ва молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот иши материалларидан академик лицей ва касб-хунар коллежларида, олий таълим муассасаларида “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг таркиби ва ҳажми. Мазкур иш кириш, 2 та боб, хулоса, ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг ҳажми бетдан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқот объекти ва уни ўрганиш услубиёти берилган.

Битирув малакавий ишнинг биринчи боби «Кичик бизнес субъектлари фаолиятининг иқтисодий асослари ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши»да кичик бизнес субъектларининг моҳияти, бугунги кундаги аҳамияти, ижтимоий-иқтисодий асослари, иқтисодиётда тутган ўрни ва унинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиш тизимининг моҳияти очиқ берилган ва таҳлил қилинган.

Ишнинг иккинчи боби «Кичик бизнес субъектларининг молиявий фаолияти таҳлили ва уни ривожлантириш истикболлари»да

эса кичик бизнес субъектларинг молияви-хўжалик фаолияти таҳлили, кичик бизнес субъектларининг молиявий фаолиятини ривожлантириш йўналишлари, кичик бизнес субъектларини молиялаштириш механизмини ва уни такомиллаштириш имкониятлари ёритиб берилган.

Хулоса қисмида эса ишнинг амалий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда зарурий хулоса ва тавсиялар берилган.

I БОБ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ ДАВЛАТ ТОМОНДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ

1.1. Кичик бизнес субъектларининг моҳияти ва бугунги кундаги аҳамияти

Бозор муносабатига ўтишни тезлаштирувчи энг асосий йўлларида бири - бу кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади.

Бозор муносабатларининг равнақ топишида, эркин рақобат ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда тадбиркорлик фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Корхона, фирмалар заминида тадбиркорликнинг моҳиятига, давлат томонидан қўллаб-қўвватланишига асосланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан **"Кичик бизнес – бу жамиятда иқтисодий ва сиёсий аҳволни нормаллаштиришга имкон яратувчи тадбиркорларнинг ўрта синфининг пайдо бўлишидир. Бу Республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдиришдир. Бу янги иш жойларидир"**² деб таъкидлаб ўтганлиги бежиз эмасдир. Бу эса ҳозирда мамлакатимиз корхона ва ташкилотларнинг жаҳон бозорида ўзларининг муносиб ўринларини эгаллашларида, экспорт салоҳиятини оширишларида, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларида бағишланган мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” маъруфасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма Тошкент 2012 й.

тобора авж олдириш, шунингдек тадбиркорликни ривожлантириш ва кўллаб – кувватлашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш кўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги давлат мулки жамғармаси негизида Ўзбекистон Республикаси давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат кўмитаси ташкил этилган.

Рақобатчиликни ривожланишга истеъмол бозорини товарлар ва хизмат ишлари билан тўлдиришга, янги иш жойларини яратиш, катта миқдордаги мулк эгалари ва тадбиркорларни шаклланишига хизмат қилувчи Республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири – бу тадбиркорликнинг кўллаб-куватланишидир. Тадбиркорликнинг кўллаб-куватланиши нафақат иқтисодиётни муттасил ривожланиши, хўжалик алоқаларини тузатиш, рақобатни ривожлантириш ва истеъмол бозорини тўлдириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий мақсадларини таъминлаши зарур, булардан ташқари иқтисодий, сиёсий вазифаларини ҳал этиши, республиканинг барча ҳудудларида сиёсий мўътадилликни мустаҳкамлаши, тадбиркорлик фаолиятига тегишли бўлган ижобий ижтимоий муносабатларни шакллантириши, унга аҳолининг актив қисмини жалб этиши, ишсизликни, инфляция ва бошқа салбий ҳолатларни олдини олишда намоён бўлади.

Бозор иқтисодиёти субъектларининг хўжалик фаолиятида «тадбиркорлик» ва «бизнес» тушунчалари ўзаро яқин бўлиб, амалиётда улар бир-бирини алмаштиришлари мумкин. «Тадбиркор» ва «бизнес» каби тушунчалари, уларнинг иқтисодий фаолият соҳаларини кўрилатганда маънодош деб ҳисобланмайди. «Бизнес» тушунчаси «тадбиркор»дан анча кенг маънога эга, деб қаралади.

Ғарб давлатларининг бозор иқтисодиёти ҳақидаги адабиётларида, бизнес - жамиятнинг талаб ва хоҳишларини қондиришга қаратилган ишлаб чиқариш тизими деб тушунтирилади.

Бизнес бозор иқтисодиётининг барча иштирокчилари орасидаги муносабатларни қамраб олади ва фақат ишбилармонларнинг эмас, балки истеъмолчиларнинг, ёлланган ишчиларнинг, давлат тизими хизматчиларининг ҳам ҳатти ҳаракатларини ўз ичига олади. Бу ҳолатда, бизнес сўзининг синонимлари бўлиб, маълум маънода тижорат, савдо-сотиқ каби тушунчалар ҳисобланади. Умумий кўринишда **бизнес** - бу кишининг бозор муносабатлари тизимдаги ишчанлик фаоллигидир. Бозор муносабатлари тизимида кичик бизнес қуйдаги алоҳида хусусиятларига эга ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчиларнинг сони ва қайси саноат тармоғига тегишлилиги билан тавсифланадиган тадбиркорлик шакли сифатида намоён бўлади. Кичик бизнесга ўзининг мустақил мулки ва хўжалик мустақиллигига эга бўлган ва ўзининг фаолияти соҳасида юқори (доминант) ҳисобланмаган фирмалар киради.

Ўзининг «кичик бизнес» деган номига қарамасдан, ушбу ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти тури барча тараққий топаётган давлат иқтисодида муҳим аҳамиятга эга. Унинг қуйдаги афзалликлари:

- маҳаллий ресурсларда ишлаб турган ёки маҳаллий бозорни таъминлаб турувчи кичик корхоналар ҳеч бўлмаганда транспорт харажатларининг иқтисод қилиниши эвазига кам харажатлидирлар.

Уларнинг иқтисодий устунлиги маҳаллий шароитларини яхши билганлари сабабли, ишлаб чиқаришни унча кўп бўлмаган капитал ва меҳнат харажатлари билан амалга оширишидадир;

- кичик корхоналардаги меҳнат, одатда, моддий тавсифга эга ва у амалиётда канцелярия меҳнатига нисбатан фойдалидир;

- ишловчиларнинг камсонлиги, уларнинг ҳар бири қобилиятининг енгилроқ юзага чиқишига ёрдам беради;

- мослашувчанлик, яъни ишлаб чиқиладиган маҳсулот ассортименти ва турини ўзгартириши кичик корхоналарда унчалик катта қийинчиликлар туғдирмайди. Шунинг учун бозор иқтисодига асосланган давлатларда кичик бизнес ўз мавқеини тинимсиз кўчайтириб ва мустаҳкамлаб бормокда.

Кичик бизнесда қуйдаги тадбиркорлик шакллари мавжуд:

- **фаолияти йўналиши бўйича:** ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва инновацион тадбиркорлик фаолияти;

- **фаолият турларининг сони бўйича:** битта соҳадаги ва кўп тармоқли тадбиркорлик;

- **фаолият мураккаблиги бўйича:** махсус билим талаб қилмайдиган, талаб қиладиган, юқори технология ва нодир билимга асосланган тадбиркорлик;

- **фаолият тармоқ йўналиши бўйича:** саноат, агросаноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва ҳ.к.

Тадбиркорликнинг субъектлари юридик ва жисмоний шахслардир. Кичик тадбиркорлик фаолиятининг қуйдаги шакллари мавжуд:

- хусусий тадбиркорлик жисмоний ёки юридик шахслар томонидан амалда ўзининг шахсий мулки асосида ташкил қилинади;

- жамоа тадбиркорлиги - фуқаролар гуруҳининг жамланма мулки асосида ташкил қилинади;

- аралаш тадбиркорлик - битта юридик шахс ва бир неча жисмоний шахс мулкини бирлаштириш асосида ташкил қилинади;

- кўшма тадбиркорлик - икки ёки ундан ортик юридик шахслар мулкни бирлаштириш йўли билан ташкил қилинади;

- шартномавий тадбиркорлик - мулк эгаси бўлмаган корхона раҳбари (менеджер) томонидан шартнома асосида амалга оширилади. Масъулият менеджер зиммасига юклатилади.

Кичик бизнесда ишбилармонлик қуйдагича амалга оширилади:

- юридик шахс ташкил этиб;
- юридик шахс ташкил этмасдан;
- ёлланган меҳнатдан фойдаланиб;
- ёлланган меҳнатдан фойдаланмасдан.

Мулк шаклига кўра кичик бизнесда хусусий, жамоа, кўшма, аралаш ва бошқа корхоналар иштирок этади.

Амалдаги конунларга мувофиқ кичик бизнес эгалари қўйидаги гуруҳларга ажратилади:

- **якка тартибдаги тадбиркор** юридик шахс ташкилисиз ва ишчи ёллаш ҳуқуқига эга бўлмаган, қўлида хусусий тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳномаси бор бўлган жисмоний шахсдир.

- **микрофирма** — мулк шаклидан қатъий назар ишлаб чиқариш тармоқларида ўртача 20 кишигача; савдо хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида 10 кишигача ходими бўлган корхоналардир.

- **кичик корхона** — мулк шаклидан қатъий назар, йиллига ўртача 100 кишигача ходими бўлган; қурилишда, кишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларида — 40 кишигача; фан соҳасида, илмни соҳада, чакана савдо ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларда 20 кишигача ходими бўлган корхоналардир.

- дехкон хўжалиги - ўз фаолиятини юридик шахс сифатида амалга оширувчи ва оила бошлиғига умрбод мерос қилиб

берилган ўз торморқасида оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида оилавий майда товар ишлаб чиқарувчи хўжаликдир.

- фермер хўжалиги – фермер хўжаликлари аъзоларининг фаолиятига асосланган, унга узок муддатга фойдаланиш учун ижарага берилган ер тормоқаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни амалга оширадиган юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик субъектидир.

Корхона йириклигини ажратишнинг бундай мезонлари уларни солиққа тортишдаги имтиёзларни аниқлаш, кичик бизнесни қўллаб қувватлашнинг аниқ чораларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда кичик корхоналарни кўпайтириш билан боғлиқ бўлган инфратузилма ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш имкониятини яратади. Бизда кичик бизнес субъектларини энг асосий кўрсаткичи бу ишчи ва хизматчилар сонидир.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва тадбиркорлик тузилмалари учун, уларнинг ташкилий ҳуқуқий тузилмаларидан қатъий назар, умумий бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу қонунга асосан ҳар қандай ишбилармонлик субъекти қуйдаги ҳуқуқларга эга:

- мамлакат қонунлари, Олий Мажлис қарорлари ва давлат бошқаруви органлари ҳужжатлари билан маън этилмаган ҳар қандай хўжалик фаолияти билан шуғулланиш;

- қонунга қарши бўлмаган ҳар қандай корхона ёки ташкилот бунёд этиш;

- тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун шартнома асосида бегона фуқароларни, корхона, ташкилотларнинг, шу жумладан, хорижий ва юридик шахсларнинг мулкани, пул маблағларини ва баъзи бир мулкка бўлган ҳуқуқларини жалб этиш;

- қонуний йўл билан қўлга киритилган мулк билан бегона хўжалик субъектларининг фаолиятида иштирок этиш;

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари жамият ва Республика олдидаги, ҳамда, ёлланган ишловчилар ва хўжаликдаги шериклари олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига узвий боғлиқдир. Тадбиркорларларнинг мажбуриятлари қуйдагилардир:

- амалдаги қонун ва тузилган ва шартномадан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариш;

- ишга ёлланиб олинаётган фуқаролар билан шартномалар тузиш.

- ёлланган ишловчиларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига бирлашишларига тўсқинлик қилмаслик;

- давлат ижтимоий суғурта фондига ёлланиб ишлаётган шахслар учун суғурта ажратмаларини Республика қонунларида кўрсатилган усул ва белгиланган миқдорларда тўлаб бориш;

Бундан ташқари қонун ҳужжатларида баён этилишича давлат томонидан тадбиркорларга қуйдагилар кафолатланади:

- Фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, корхона бунёд этиш ва бунинг учун зарурий мулк сотиб олиш ҳуқуқлари;

- амалдаги қонунчилик ва шартномалар асосида барча тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

- тадбиркорлик фаолиятининг илмий-техникавий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш қуйдаги асосий масалаларни ечиш йўли билан амалга оширилиши керак:

- кичик бизнес субъектларини бозорга тўсқинликсиз киришига шароит яратиш;

- иқтисодда хусусий секторнинг ўсишига шароит яратиш;
- тадбиркорликни Давлатнинг муҳим ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларини ечишга жалб қилиш.

Давлатнинг иқтисодиётга, шу жумладан кичик бизнес тараққиётига бевосита таъсир кўрсатиши давлат томонидан шу соҳага таалукли қонунлар яратилиши билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Тадбиркорлик тўғрисида», «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш», «Корхоналар тўғрисида»ги қонунлар шу йўлда амалга оширилаётган ижобий ишлар натижасидир. Шунинг эътиборга олиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлис маърузасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича, Кичик бизнес ва тадбиркорлик ишлаб чиқаришнинг энг самарали шакли эканлигини эътиборга олиб, Президентимиз И.А.Каримов, унинг ЯИМ даги улушини оширишга қаратилган бир қатор янги вазифалар кўйилган эди.

1. Солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг соддалаштирилган усуллари ишлаб чиқиш.

2. Фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тадбирларини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

3. Йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги

кичик корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш.

4. Кичик корхоналарда ишламайдиган, айниқса қишлоқ жойларда касаначилик билан шуғулланадиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотишга кўмаклашадиган тузилмалар яратиш лозимлигини кўрсатиб ўтганди.

Бозор ислохотлари чуқурлашиш жараёнининг ҳозирги босқичи талабларини эътиборга олиб, сўнги йилларда кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича бир қатор қонуний ҳужжатлар қабул қилинди.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори;

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 79-сонли “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги ПФ-4192-сонли “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар” Қарорлари қабул қилинди.

6. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш., 2016 йил 16 март, ПҚ-2507-сон

7. “Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш., 2015 йил 28 сентябрь, ПҚ-2412-сон

8. “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш., 2015 йил 15 май, ПФ-4725-сон

9. “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш., 2015 йил 28 апрель, ПҚ-2340-сон

10. “Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Тошкент ш., 2013 йил 23 ноябрь, 22/9-сон

11. «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор Тошкент ш., 2013 йил 14 октябрь, 273-В-5-сон;

Юқоридаги ҳужжатларда кичик бизнес субъектларига бериладиган кафиллик ва имтиёзлар кўрсатиб ўтилган. Давлат уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, эркин рақобат учун шароит яратиб бериш, мулкчилик шаклидан қатъий назар моддий, меҳнат, молиявий ва бошқа ресурслардан фойдаланишга тенг ҳуқуқларни таъминлаш, Республика ва маҳаллий органлар томонидан кичик бизнес бўйича қабул килинган барча меъёрий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишга кафиллик берди.

Шу билан бирга кичик бизнеснинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи бир қатор сабаблар ҳам бор. Энг катта қийинчилик бу кичик бизнес субъектларини ташкил қилиш ва қувватларини ошириш учун пул маблағларининг етишмаслигидадир. Бунинг олдини олиш мақсадида иқтисодиётга кичик бизнесни ривожлантириш учун халқаро молия ташкилотларининг кредитларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиб унинг салмоғини ошириш лозим.

1.2. Кичик бизнес субъектларининг молиявий фаолиятининг ижтимоий ва иқтисодий асослари

Маълумки, бизнес товарлар (хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва бу жараёнда иштирок этувчи манфаатдор иштирокчилар ўртасидаги муносабатни тавсифлайди. Бизнеснинг умумий белгилари: фойда олиш учун ҳўжалик соҳасида фаолият юритиш; иқтисодий эркинлик; фаолиятнинг инновацион ва таваккалчилик характериға эғалиғи. Тадбиркорликни бизнеснинг юқори шакли сифатида қараш мумкин. Кичик бизнес ижтимоий-иқтисодий категория сифатида, одатда, тадбиркор-мулкдорға хос бўлган ўзига хос фаолият тури бўлиб, инновацион, таваккалчилик ва тўла иқтисодий жавобгарлик асосида

бирор-бир товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш орқали фойда кўриш мақсадида ижтимоий-қтисодий шароитлар ва ресурслардан самаралироқ фойдаланиш жараёнида намоён бўлади.

Кичик корхоналар аҳолининг турмуш тарзининг яхшиланишига тугридан-тугри таъсир курсатувчиларининг асосийси ҳисобланади, чунки кичик бизнес субъектлари юқори эгилувчанлик ва бозор талабларига мослашувчанлик хусусиятларига эгадир. Ўз корхонасида иқтисодий ўсишга эришиш учун тадбиркор фан ва технологияларнинг янги ютуқларидан меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида максимал фойдаланади. Бу эса, ўз навбатида барқарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатда турмуш сифатининг ошишига олиб келади. Кичик тадбиркорликнинг афзалликлари қаторига, янги иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқариш ривожига инвестиция киритишнинг энг камхарж усули эканлигини ҳам киритиш мумкин. Кичик тадбиркорлик бозорни товар ва хизматлар билан тўйинтириш, солиқ тушумлари ва аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим манбаидир.

Корхона даромади нафақат ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш, балки чиқарилаётган буюмларни алмаштириш ва ассортиментни доимий янгилаш орқали ҳам ҳосил қилинади. Тадбиркорлар бозорни жорий конъюнктурага мослаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни мунтазам янгилаб боришга асосланган “инновацион сиёсат” юритишади. Муваффақиятли фаолият юритаётган замонавий корхоналарнинг инновацион сиёсати инновацион механизмга эътибор қаратувчи маркетинг назарияси асосида қурилади. Кичик корхоналар истеъмолчилар талабининг ўзгаришига зудлик билан жавоб қайтаради, иқтисодий конъюнктура тебранишларига мувофиқ равишда тез ва нисбатан оғриксиз ўз фаолияти йўналишини

ўзгартириши мумкин. Уларнинг фаолиятини ташкил этишга ресурслар кам талаб этилади. Шу сабабли уларнинг фаолияти самарадорлиги ортади ва улар бутун иқтисодиётнинг самарадорлигини сезиларли оширади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – аҳолининг сезиларли қисми меҳнатини жалб қиладиган ва даромад оладиган соҳаси ҳисобланади. Бу меҳнат бозорининг энг эгилувчан қисми бўлиб, таркибий жиҳатдан юқори малака ва етарли тажрибага эга бўлмаган, шунингдек, эгилувчан иш кунига эга бўлишни хоҳлайдиган меҳнат ресурсларининг асосий қисмидан иборатдир. Кўпчилик ҳолларда бу соҳада аҳолининг ижтимоий нозик қатлами: аёллар, биринчи марта иш излаётган, қуйи таълим даражаси ва кам меҳнат тажрибасига эга ёшлар ҳам иш топа олади.

Кичик корхонанинг ўзига хос хусусиятлари:

- мулкка эгалик ҳуқуқи ва бевосита корхонани бошқаришнинг бирлиги;
- корхонани кузатиш имконияти: унинг ўлчамлари чеклангани раҳбар ва ишчи ўртасида ўзига хос муносабатни ўрнатади, бу эса персонал ишини мотивлаш ва меҳнатидан юқори даражада қониқишга эришишга имкон беради;
- нисбатан катта бўлмаган ресурслар ва сотув бозорлари: фирма товар нархига ва тармоқ бўйича сотувлар ҳажмига сезиларли таъсир эта олмайди;
- тадбиркор ва мижоз ўртасида персоналлашган муносабатлар: кичик корхона истеъмолчиларнинг нисбатан тор доирасига хизмат қилишга мўлжалланган;
- корхона ҳаётида раҳбар ролининг ҳал қилувчи эканлиги: у ишлаб ҳўжалик юритиш натижаларига нафақат мулкчилик нуқтаи

назаридан, балки ишлаб чиқаришга ва уни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнларда бевосита алоқадорлиги сабабли тўла жавобгардир;

- фаолиятни оилавий бошқариш: раҳбар қариндошларининг корхона фаолиятига тўғридан тўғри алоқадорлиги боис бошқарув мерос шаклида ўтади;

- молиялаш характерининг ўзига хослиги: агарда "гигантлар" зарурий ресурсларни фонд биржалари орқали жалб этадиган бўлса, кичик корхоналар эса банклар, шахсий маблағлар ва "ноформал" капитал бозори (дўстлар, қариндошлар маблағлари ва ҳ.к.)нинг унчалик катта бўлмаган кредитларига суянади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий роли иқтисодий ролидан кам аҳамиятли эмас. Кичик тадбиркорлик аҳоли бандлигини кенгайтириш ва даромадларнинг ўсиши учун шароитлар яратади, ижтимоий қатламлар орасида юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни юмшатиб, ўзига хос ижтимоий муҳитни яратади, рақобатнинг ривожига туртки беради, товарларга рақобатли нархларни шакллантиради, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида хизматлар кўрсатишни кенгайтиради.

Кичик бизнес аҳоли орасида ишчанлик ва тадбиркорлик малакаларини ривожлантириш, бозор муносабатларига мослашувчанлик даражасини оширишнинг доимий самарали воситаси сифатида фуқароларга нафақат ўз ишчи кучига, балки мулкка, шу жумладан, ишлаб чиқариш характеридаги, эгалик қилишга имкон яратади ҳамда ўрта синф – жамиятнинг прогрессив ижтимоий қатламининг юзага келишига негиз яратади.

Кичик корхонанинг функциялари қуйидагилардир:

Иқтисодий:

- Иш берувчи
- Маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарувчи

- Фан-техника тараққиёти катализатори
- Солиқ тўловчи
- Бозор муносабатлари агенти

Ижтимоий:

- Тадбиркорлик фаолиятининг кичик шакллари орқали кўпчилик инсонлар ўзининг ижодий салоҳиятини юзага чиқаради ва сафарбар этади;

- Бу соҳада кўпинча аҳолининг ижтимоий нозик қатлами (аёллар, ўқувчилар, ногиронлар, нафақахўрлар, қочоқлар ва в.х.) меҳнатидан фойдаланилади;

- Кичик корхоналар ишлаб чиқариш таълимининг энг асосий жойи ва ёш ходимларни синовдан ўтказиш “полигони”дир;

- Унчалик катта бўлмаган корхоналар, энг аввало хизмат кўрсатиш соҳасида, одамларнинг мулоқотга бўлган эҳтиёжини қондиради.

Кичик бизнес миллий фаровонлик ўсишининг энг муҳим омилидир, айнан у нафақат ушбу соҳада банд бўлган кўпчилик инсонларнинг, балки уларнинг оила аъзоларининг ҳам асосий даромад манбаидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги муҳим аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, соҳани изчил ривожлантириш сиёсати тизимли равишда давом эттирилмоқда. Бу борада энг муҳим қадамлардан бири – тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида иерархик меъёрий-ҳуқуқий тизимнинг шакллантирилганидир. Зеро, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришда унинг қонунчилик базаси, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий базаси муҳим

аҳамиятга молик. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларига оид иерархик қонунчилик тизимининг чўққисида Конституциямизнинг 53-моддаси ўрин олган бўлиб, унда истеъмолчиларнинг устувор ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат эркинлиги давлат томонидан кафолатланиши эътироф этилган. Бу меъёр барча хўжалик юритувчи субъектларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда дахлсизлик ҳуқуқини беради. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи кейинги муҳим меъёрий ҳужжат “Фуқаролик кодекси”дир. Ушбу ҳужжатдаги аксарият меъёрлар иқтисодий муносабатларга, яъни бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан бир қаторда тадбиркорлик фаолиятига ҳам тегишлидир. Тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги асосий меъёрий ҳолатлар “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топган. Қонундан тадбиркорлик, унинг субъектлари ва шакллари, фаолиятни тартибга солувчи умумий тамойиллар, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва тадбиркорларнинг жавобгарлиги, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат томонидан кафолатлари ўрин олган.

Барча масалаларни ечишда тадбиркорлик асосий ёндашув сифатида кўрилаётган жойда алоҳида шахсларнинг ҳам, бутун жамиятнинг ҳам тараққиёти сезиларли даражада тезлашади.

Тадбиркорлик иқтисодий ривожланишни ҳаракатга келтирувчи омил болгани туфайли, дунёқарашга ҳам, бошқарув фаолиятига ҳам ишбилармонлик ёндашувини тадбиқ этиш орқали алоҳида шахслар ҳам, бутун жамият ҳам фаровон ҳаёт сари ўз ҳаракатларини тезлаштиришлари мумкин.

Мақсадларни қўйиш ва уларга эришиш бўйича қилинадиган кейинги ишлар жамиятнинг етуқлиги ва масъулиятлилигининг белгисидир, худди шунингдек, алоҳида шахслар етуқлигининг

белгиси хамдир. Одамлар иқтисодий ҳаётда ўзлари учун қандай мақсадлар қўйишади? Ва бу мақсадларга қанчалик муваффақият билан эришилади? Қўйида мана шу саволлар муҳокама этилади.

Тўлиқ ҳажмли иқтисодиёт — бу одамлар ўз иқтисодиёти учун қўядиган энг муҳим мақсадлардан бири. Биз мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ресурслари — меҳнат, сармоя, табиий ресурслардан тўлақонли фойдаланишни ҳамда бу ресурслардан самарали фойдаланишни хоҳлаймиз.

Қай даражада биз тўлиқ бандлик ва тўлиқ ҳажмли ишлаб чиқариш мақсадларига эришаяпмиз? Аслида, жамиятдаги меҳнатга лаёқатли ва ишлашни хоҳлайдиган 100 % эркак ва аёллар доимий асосда иш билан таъминланишини кута олишмайди. Маълум миқдорда тахминан меҳнатга лаёқатли аҳолининг 2 % дан 5 % гача қисми доимо ишсиз бўлади. Аммо лекин миллионлаб одамлар ҳеч қандай заруратсиз ишсизлар тоифасига мансуб бўлса, бу улар ўз мамлакатининг фаровонлигига фойдали хисса қўшмаётганлиги ва ишлаб пул топмаётганликларини билдиради. Шу сабабдан, тўлиқ бандлик ҳамда меҳнатнинг юқори самарадорлигини тақозо этувчи тўлиқ ҳажмли ишлаб чиқариш мақсади, бизнинг иқтисодиётимиз учун энг муҳим мақсадлардан биридир.

Барқарор ўсиш - бу иккинчи муҳим мақсаддир. Биз иқтисодиётимиз йилдан йилга янада каттароқ ва яхшироқ бўлишини хоҳлаймиз. Биз ўзимизнинг товарлар ва хизматлар миллий ишлаб чиқарилишини сон жihatдан ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) деган статистик кўрсаткичининг ўзгаришини кузатиб баҳолаймиз. Иқтисодий ўсиш — бу аҳолижон бошига тўғри келадиган ЯММ (аҳоли сонига бўлинган умумий ЯММ)нинг доимий қўпайишидир. Биз иш фаоллиги қандайдир пасига тушишларсиз ёки нархларнинг тез ўсишисиз (инфляциясиз), ёки ишсизлик ошмасдан. ЯММ нисбатан

доимий суръатлар билан йилига 8% дан кам бўлмаган ўсишига эришиш учун интиламиз.

Ишлаб чиқариш, бандлик ва ЯММнинг ўсиши - бу кўрсаткичларнинг барчаси жуда яхши ўлчанади. Лекин биз айрим бошқа иқтисодий мақсадларни кўриб чиқишга ўтганимизда, улар тугрисида умумийроқ ёндашувлардан келиб чиқиб фикрлашимиз лозим.

Танлов эркинлиги - бу деярли ҳар бир одам ўз олдига қўядиган мақсадлар рўйхатининг биринчи қаторида турадиган мақсаддир. Лекин аниқ атамаларда бу нимани билдиради? Иқтисодчилар, танлов эркинлиги исфеъмолчилар, ходимлар ва бизнес учун муҳимлигини таъкидлашади.

Истеъмолчининг танлов эркинлиги - истеъмолчилар фақатгина ўз эҳтиёжлари ва хоҳишларига асосланиб, жуда кенг доирадаги муқобил товарлардан, ўзлари сотиб олишни хоҳлаган товарларни танлаб олишлари мумкинлигини билдиради. Истеъмолчига «Сиз ўзингиз хоҳлаган ҳар қандай ўлчамли ва рангли шляпанинг эгаси бўлишингиз мумкин, лекин бу шляпа ўрта ўлчамда ва қора рангли бўлиши шарт!». деб гапириладиган тизим бизни мутлақо қониқтирмайди.

Касбий фаолиятни танлаш эркинлиги - иқтисодий эркинликнинг муҳим томони. Эркаклар ва аёллар хавас билан бажарадиган ва айна вақтда шундан муносиб иш ҳақи ҳамда шахсий қониқиш олинадиган ишни танлаш имкониятига эга бўлишни хоҳлашади. Ва нихоят, “эркин тадбиркорлик”нинг муҳимлиги тўғрисидаги гапларни тез-тез эшитиб турамиз. Бу — танлаш эркинлигининг муҳим жихати. Бу одамларга ўз бизнесларини эркин ташкил этиш ва натижада фойда қўриш учун, ишлаб чиқариш омилларидан қулай тарзда фойдаланиш

имкониятини беради. Замонавий иқтисодиёт тизими эркинликнинг мана шу хусусий тури пойдеворига қурилган.

Имкониятлар тенглиги - яна бир мақсад. Бу танлаш эркинлиги билан узвий боғлиқ, чунки барча одамлар тахминан тенг даражадаги эркинликка — истеъмолчи, ходим ва тадбиркор сифатида ўз ҳуқуқларини амалга ошириш эркинлигига ега болишлари лозимлигини таъкидлайди.

Иқтисодий хавфсизлик мақсади - бизнинг иқтисодий жамиятимиз аъзолари муносиб озиқ-овқат, кийим, турар жой ва бошқа зарур нарсалар олишга етарли миқдорда пулга эга бўлишларига интилишимизни билдиради. Қамбағалликнинг қенг тарқалиши нафакат бизнинг одамлар учун иқтисодий хавфсизлик мақсадига эришишга уринишимиз бекорга кетганидан далолат беради, балки жамиятда иқтисодий адолат мақсадига эришиш имконияти тугрисида ҳам жиддий саволни кутаради. Иқтисодий ҳаётда бетарафлик ва адолат тушунчаларининг талқинига ҳар ким ҳам қушилавермайди, лекин деярли барча бу мақсад қўйилиши ва унга эришишга қаратилган ишлар бажарилиши муҳимлигини тушунишади.

Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг хусусий секторида тадбиркорлик, асосий иқтисодий вазифаларни амалга оширганда, давлат секторига нисбатан юқорироқ самарадорлик ва меҳнат унумдорлигини таъминлайди, деган тушунча бутун дунёда қабул қилинган. Миллий фаровонликнинг асосий қисми корхоналар фаолиятининг натижаси сифатида шаклланади:

1. *Товарлар ва хизматлар.* Корхонанинг асосий иқтисодий вазифаси одамлар манфаатдор бўлган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва тарқатишдир. Тадбиркорлар ҳам истеъмолчилар талабини аниқлаб берувчи, ҳам шу талабни қондириш учун барча зарур нарсаларни бажарувчи ролни ижро етишади.

2. *Бандлик.* Корхоналар «хақиқий» иш ўринларининг асосий ижодкорларидир, яъни ишлашга мухтож ва ишлашни хоҳлайдиган одамларнинг бандлигини таъминлайдилар. Ҳақ тўланадиган бандлик даражаси — миллий фаровонликнинг ўта муҳим кўрсаткичи.

3. *Даромад.* Корхона томонидан иш ўринларни барпо этиш орқали, ишчиларнинг иш ҳақи ва хизматчиларнинг маошлари, фойдалар ва солиқлар шаклида, лизинг акциядорлари даромад базаси мавжудлиги таъминланади.

4. *Ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақи, фойдалар.* Иш ҳақи ва фойдалар олиш имкониятини тақдир этиш масаласи, солиқлар тўлаш ва даромад (солиқлар тўлангандан кейинги даромад)ни истеъмол қилиш фондига ва молиявий маблағларни истеъмолчилари жамгарма фондига (инвестиция сармояси) кўчириш нуқтайи назаридан бизнес томонидан ечиладиган ўта муҳим масаладир.

5. *Солиқлар.* Алоҳида (жисмоний) шахслар ва корхоналардан солиқ ундирмасдан, давлат муассасалари ва хизматларининг фаолият юритишини иложи бўлмас эди.

6. *Солиқлар тўлангандан кейинги даромад.* Бошқача айтганда, корхона ихтиёрида қоладиган даромад, деб номланадиган бу даромад, солиқлар тўлангандан кейин ҳосил бўлади ва истеъмол товарлари харид қилишга ҳамда жамгармалар тўплашга сарфланиши мумкин.

6.1. *Истеъмол мақсадларига харажат қилиш.* Пул маблағларини истеъмол мақсадларига сарфлаш, нафақат асосий эҳтиёжларни қондириш учун, балки товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантиришга қаратилган талабни шакллантириш учун ҳам зарурдир.

6.2. *Шахсий жамгармалар.* Шахсий жамгармалар — бу бевосита истеъмол қилиш билан боғлиқ харажатларга сарфланмайдиган даромад.

7. *Ишлаб чиқариш жамгармаларига сармоялар.* Корхона сармояларни захиралар, тақсимланмаган фойда, қарз орқали ёки корхона активларини солиш йўли билан молиялаштиради. Фойда кўрмай ишлайдиган **корхоналар** учун эса, бу манбалардан фойдаланиш чекланган **бўлади**. Корхона ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш: янги технологиялар, модернизациялаш ва ишлаб чиқариш активларини кенгайтириш учун инвестиция сармоясига мухтож бўлади.

8. *Миллий фаравонлик.* Бизнинг эҳтиёжимизни қондириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари, савдо ва жамоат хизматлари ҳамда «ноу-хау»ларнинг салмоқли қисми корхоналар фаолиятдан келиб чиқади, яъни хусусий эгалликда бўлган ресурсларнинг иқтисодий ривожланиши натижасида пайдо бўлади.

Одатда, тадбиркор олдида қуйидаги саволлар кўндаланг тўради:

- *Нима ишлаб чиқарилиши керак ?*

Жами ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматларнинг 2/3 қисми истеъмол товарлари секторига жамланганлиги сабабли, бундай товарлар ва хизматларнинг истеъмолчилари нима ишлаб чиқариш кераклигини белгилайдиган гуруҳни ташкил этади;

- *Бу кимлар учун ишлаб чиқарилиши керак?*

Иқтисодиётда «Кимлар учун?» деган савол, одатда, ишлаб чиқариш омиллари (ресурслари)дан тайёрланган маҳсулотни сотиб олиш учун энг кўп пулга эга бўлган бировни белгилайди. Умуман айтганда, энг кўп пулдорлар бу — гуллаб-яшнаётган корхоналар эгалари (истеъмолчилар уларнинг товарлари ва хизматларини

олишни хохлайдилар) ва (ёки) касбий фаолиятига катта талаб бор (корхоналар уларнинг кўникмалари, малакаларига эҳтиёж сезади) бўладиганлардир;

- *Бу қандай иштаб чиқарилади ?*

Бу саволга жавоб, истеъмолчининг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда берилади ва корхоналар билан истеъмолчиларнинг ўзаро ҳаракат қилиши орқали эришилади. Масалан, “Роллс-Ройс” — жуда катта қунт билан тайёрланадиган ва шу сабабдан, анча узоқ вақт хизмат қиладиган, дабдабали машина. Лекин кўпчилик истеъмолчилар “Роллс-Ройс”га эга бўлишини ўзларига эп кўра олишмайди. Тадбиркорлар буни англашади ва ўзларига “Роллс-Ройс” сотиб олишга қурби етмайдиган одамлар истагини қондириш учун ишончлилиги пасроқ машиналарни арзонроқ нархларда сотишади.

Бу уч саволга қандай жавоб берилиши тўғрисида гапирганда, ҳолатларнинг ҳар бирида бозор қандай фаолият юритишини таъкидлаш муҳимдир. Масалан, айрим ишлаб чиқарилаётган товарларни истеъмолчи харид қилмаса, бу уларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш ҳақида бизнесга сигналдир (нима ишлаб чиқарилиши керак?). Агар истеъмолчилар товарнинг юқори сифатга эга бўлишига қарамасдан у учун белгиланган нархни тўлашмаса, ишлаб чиқарувчи, товар сифати биров пасайиши эвазига бўлса ҳам, унинг нархини камайтириш йўлини топишга мажбурдир (қандай ишлаб чиқариш?). Натижалари катта талабга сазовор бўлган касбий фаолият билан шўгулланишга ёки шунингдек, катта талабга эга бўлган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш бўйича бизнесни барпо этишга қарор қилган одамлар, ялпи товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмининг каттароқ қисмини олишга муваффақ бўлишади.


1.3. Кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрни ва унинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши

Ўзбекистонда сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижасида бу соҳа мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи кучга айланиб бормоқда.


Президентимиз И. Каримов “Кичик бизнесни нафақат сон жиҳатидан кўпайтириш, балки уни, аввало, сифат жиҳатидан ҳам ривожлантиришимиз, бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз даркор”, деб таъкидлаган эдилар. Ушбу соҳа бугунги кунда мамлакатимизда энг йирик меҳнат бозори, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омили, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи ҳисобланади. Айнан ана шу одамлар ўз бизнесини ривожлантириш ва кучайтиришдан, шу аснода иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашдан энг кўп манфаатдор бўладилар. Сўнгги йилларда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушини улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини ошириш борасида олиб борилаётган ислохотлар ўз натижасини бермоқда (1.1 - диаграмма). Олиб борилаётган бундай изчил ислохотлар иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонининг ошишига таъсир қилмасдан қолмади (1.2 - диаграмма).

Республикамизда 2000 йилда иқтисодиётда банд бўлган аҳоли 8924 мингтани ташкил этган бўлса, унинг 50,1 фоизи кичик бизнес соҳасида ишлаётганларга тўғри келган. 2013 ва 2014 йилда бу кўрсаткич мос равишда 76,0 ва 77,2 фоизни ташкил этгани ҳолда, охириги йилда унинг 7580,3 минг нафари индивидуал сектор, 2317,2 минг нафари кичик корхона ва

микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди. Кичик бизнеснинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 9078,4 минг кишини ва жами соҳада банд бўлганларнинг 91,7 фоизини ташкил қилди. 2014 йилда мамлакатимизда қарийб 1 миллион иш ўрни яратилиб, уларнинг 60 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларида барпо қилинди. Бу борада кичик корхоналар, яикрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди (1.1 - диаграмма).



1.1 - диаграмма. Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши динамикаси



**1.2 - диаграмма. Иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сониди
кичик бизнес улушининг ўсиш суръатлари**

1.2-диаграммада кўрсатилишича, сўнгги ўн беш йил мобайнида кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 25,0 банд фоизга ошиб, 2014 йилда 56,1 фоизни ёки ЯИМнинг кичик бизнес субъектлари томонидан яратилган ҳажми 81,2 трлн.сўмдан зиёдни ташкил этди. Аҳоли бандлигини оширишда хизмат кўрсатиш соҳаси билан бир қаторда ишлаб чиқариш соҳасида ҳам янги иш ўринлари яратиш керак. Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 2013 йилда 2003 йилга қараганда мос равишда 14 ва 20 банд фоизга ошиб, қишлоқ хўжалиги ва йўловчи ташишда энг катта салмоққа эга бўлган.

Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти ҳажмида хусусий сектор улуши саноат тармоғида 34-35 фоизни, қишлоқ хўжалигида 100 фоизни, пуллик хизматларда 88-90 фоизни, экспорт ҳажмида 3,5-4,0 фоизни ташкил этмоқда.

Дарҳақиқат, хусусий мулк шаклидаги корхона давлат мулки бўлган корхонадан кўра анча самарали ишлаши ўз исботини

топган. Шу ўринда Президентимиз И.А. Каримовнинг “... баъзан хусусий мулк тушунчасини нодавлат мулкка асосланган корхоналар тушунчаси билан чалкаштирамиз. Мазкур таърифларга қатъий аниқлик киритиш ва энг муҳими, қонунларимизга мувофиқ равишда иқтисодиётда хусусий мулкнинг устуворлигини амалда таъминлаш, уни қўллаб-қувватлаш ва дахлсизлигини кафолатлаш даркор”³, деб айтган сўзлари чуқур маъно ва аҳамиятга эгадир.

Республикамизда 2014 йилда 2005 йилга қараганда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони 1,531 мартага кўпайгани ҳолда, уларда банд бўлган ходими сони 1,756 баробарга ошган. Бу эса ушбу субъектлар фаолиятининг кенгайганлигидан далолат беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг статистик таҳлили натижалари, мазкур соҳанинг вилоятлар кесимида нотекис ривожланаётганини кўрсатмоқда (1-жадвал).

1.1-жадвал

2014 йилда вилоятлар кесимида иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик тадбиркорликнинг улуши (Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

	Худудлар	Тармоқлар						
		ЯИМ, ЯҲМ	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Қурилиш	Савдо	Пуллик хизматлар	Асосий капиталга инвестициялар
Т/р	1	2	3	4	5	6	7	8
1	Ўзбекистон Республикаси	55,8	31,9	98,3	70,3	45,4	48,5	34,8
2	Қорақалпоғистон Республикаси	64,0	24,2	95,9	77,3	50,4	36,9	19,2

³ Ислон каримов 2014-йил якунлари ва 2015-йилга мулжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йуналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

T/p	1	2	3	4	5	6	7	8
3	Андижон	57,5	11,7	99,9	89,9	44,0	63,4	49,6
4	Бухоро	66,8	25,3	98,4	64,3	42,3	54,1	18,8
5	Тошкент	79,9	45,1	99,9	87,2	34,9	44,0	37,7
6	Қашқадарё	51,4	10,1	99,5	73,9	36,0	55,3	14,8
7	Навоий	36,1	5,9	97,0	69,6	48,8	43,8	25,1
8	Наманган	79,5	48,8	99,2	92,5	45,5	53,9	52,4
8	Самарқанд	77,1	42,2	98,4	95,0	52,2	57,1	48,3
10	Сурхондарё	74,1	26,1	99,2	78,3	36,8	54,4	38,8
11	Сирдарё	67,3	21,6	99,0	89,3	59,5	31,4	30,9
12	Жиззах	55,3	18,4	96,0	71,4	44,0	49,4	32,0
13	Фарғона	61,1	21,1	96,7	88,2	42,1	48,8	30,7
14	Хоразм	73,8	35,8	95,9	77,6	39,8	49,8	32,7
15	Тошкент ш.	54,6	46,1	X	65,3	56,3	43,1	52,3

Республикаимизнинг иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши 2014 йилда саноатда 31,9 фоизни, қишлоқ хўжалигида 98,3 фоизни, қурилишда 70,3 фоизни, савдода 45,4 фоизни, пуллик хизматларда 48,5 фоизни ва асосий капиталга киритилган инвестицияларда 34,8 фоизни ташкил этиб, олдинги йилларга нисбатан таркибий ўзгаришлар содир бўлди.

2014 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 3661,9 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт ва 6328,6 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар импорт қилинди ёки мос равишда 2013 йилга нисбатан 135,2 ва 113,0 фоизни ташкил этиб, жами экспортдаги улуши 26,0 фоизга, импортдаги улуши эса 45,3 фоизга тенг бўлди.

Кичик корхоналарнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улушининг ўсишини таъминлаш ички истеъмол бозорини республиканинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш имкониятларини кенгайтиради.

Умуман олганда, республикаимизда кичик бизнеснинг ривожланишига алоҳида эътибор берилаётганлиги ижтимоий-

иқтисодий тараққиётда ушбу соҳанинг нақадар муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тажрибаси кичик бизнесни ривожлантиришда ҳам ўз аҳамиятига эга бўлмоқда.


Мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида турли хил молиявий воситалар орқали бу соҳани қўллаб-қувватлаш устувор йўналиш сифатида амал қилиб келинмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида, энг аввало, мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, 2016 йилда иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги 6 фоизли ставкаси 1 фоизга камайтирилиб, 5 фоиз қилиб белгиланди.

2014 йилда банк тизимида қатор устувор вазифалар амалга оширилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштирилди ва янада соддалаштирилди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада янги замонавий банк хизматлари кўрсатиш такомиллаштирилиб борилиши талаб этилади. Шу муносабат билан 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси йиллик 12 фоиздан 10 фоизга пасайтирилди. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, натижада ушбу субъектлар томонидан банк кредитларидан

фойдаланиш орқали ўз бизнесларини ривожлантиришга янада кўпроқ имкониятлар яратди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2015 йилда банклар томонидан 9,6 трлн. сўм, яъни 2014 йилга нисбатан 1,6 баробар ортиқ кредит маблағлари, шу жумладан 2 трлн. сўмга яқин микрокредитлар ажратилди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 11 йил давомида ажратилган жами кредитлар ҳажми 25 баробарга, микрокредитлар ҳажми эса 46 баробарга ўсди (1.3 - диаграмма).



1.3 - диаграмма. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредит ва микрокредитлар миқдори, млрд.сўм

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестициялар кенг жалб этилмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (KfW), Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар томонидан катта миқдорда кредитлар ажратилмоқда.

Жумладан, 2015 йилда халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг 181,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит линиялари ва грантлари ўзлаштирилди.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифадир”⁴.

Мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес субъектларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли Фармони қабул қилиниб, ушбу фармон асосида қўшимча имкониятлар ва имтиёзлар яратилди, жумладан, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралashiш ва тўсиқлик қилишда мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги оширилди. Жумладан, Рўйхатдан ўтиш ва фаолиятга рухсат олиш бўйича “ягона ойна” тизими жорий этилди ва тадбиркорликка кўмаклашувчи ташкилотлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Солиқ тўловлари ва текширишларни тартибга солиш, солиқ ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш, солиқ қонунчилигига риоя этишда жавобгарликнинг янада либераллашганлиги, солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг янги тартибларининг жорий этилиши, имтиёзларнинг самарадорлиги юзасидан тадбиркорлик субъектларига кенг тушунтириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлар талаби асосида ер майдонларини олиш ва ер ажратиш масалаларига, ишлаб чиқариш корхоналарининг

⁴ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожлантириш учун кулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тугрисида 2014 й президент фармони

инфратузилмаларга уланиши, электр энергияси ва табиий газ билан таъминланишига, тадбиркорлар талаби асосида тижорат банкларининг кредит ресурсларининг ажратиш кўзда тутилган.

Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш, сотиб олиш, бино ва иншоотларни “ноль” қийматда сотиб олиш, бизнес режалар ишлаб чиқиш ва бўш турган давлат объектларини ижарага олишда тадбиркорларга кўмак бериш белгиланди.

Булардан ташқари, 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилди.

Мухтасар қилиб айтганда, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсишига замин яратиб, аҳоли бандлигини таъминлаш ва унинг турмуш фаровонлиги даражасини юксалтиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

II БОБ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ РИФОЖЛАНТИРИШ ИСТИКБОЛЛАРИ

2.1. Кичик бизнес субъектларида молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз тараққиётида, авваламбор, халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўринга эга бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда ҳар қадамда гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ва бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатан ҳам мустаҳкам пойдеворига айланиб янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига вилоятимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

2016 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг (деҳқон, фермер хўжаликларсиз) сони 7222 тани ташкил қилди. Жорий йилнинг январ-сентябр ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 73,7 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан (2014 йилнинг шу даврида 72,9 фоиз), шундан 36,7 фоизи кичик корхоналар ва микрофирмалар, 16,9 фоизи хусусий тадбиркорлар, 20,1 фоизи деҳқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилди.

Иқтисодиётдаги жами иш билан бандларнинг 79,0 фоизи (272,9 минг киши)ни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторида банд бўлганлар ташкил қилди, шундан банд булганларнинг ката кисми хусусий сектода булиб 73,0 физ (252,2 минг киши)ни ташкил килди, жумаладн кичик ва микрофирмаларда 31,8 фоиз (109,8 минг киши)га тугри келди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 11,5 фоизга ўсди ва 516553,6 млн. сўмни (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 31,4 (фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 7,3 фоизга ўсиб, 1218914,0 млн. сўм (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 99,2 фоизи)ни ташкил қилди.

Вилоят иқтисодиётида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 30,5 фоизи, яъни, 181310,0 млн. сум кичик бизнес субъектлари томонидан киритилган инвеститцияларни ташкил килди, қурилиш ишларининг 98,2 фоизи ёки 249723,6 млн. сум кичик бизнес субъектлари хиссасига тугри келди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари юк айланмаси вилоят автомобил транспорти умумий юк айланмасининг 93,6 фоизини, умумий йўловчи айланмасининг 82,7 фоизини ташкил этди.


2015 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан ҳаъматлар хажми 16,7 фоизга усди ва 517939,4 млн. сумни (вилоят хизматлар хажмининг 62,0 фоизи) ташкил килди.

Кичик бизнес субъектлари ташқи савдо айланмаси вилоят умумий ҳажмининг 51,8 фоизи ёки 484158,3 млн. сўми (ўсиш 115,4 фоизни ташкил қилди) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш

умумий ҳажмининг 33,2 фоизи ёки 85780,0 млн. сўми (115,4 фоизга ўсган) кичик тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

2015-йил давомида кичик бизнес субъектлари томонидан 166919,6 минг АКШ доллари миқдорида ташки савдо айланмаси ва шундан 69254,1 минг АКШ доллари миқдорида экспорт, 97665,5 минг АКШ доллари миқдорида импорт муомалалари амалга оширилиб, вилоят ташки савдо айланмаси ҳажмида 77,0 фоиз, жами экспортда 68,7 фоиз ва жами импортда 84,2 фоиз улушни ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқларида яратилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улушининг ўзгаришини 2.1 – диграммада куришимиз мумкин.



2.1 – диграмма. Иқтисодий тармоқларда яратилган маҳсулотлар умумий ҳажмидаги кичик бизнес субъектларининг улуши (фоизда).

Хусусий тадбиркорлик кичик бизнеснинг асосий қисмини ташкил қилади. 2015 йилда кичик тадбиркорликда яратилган

махсулот (иш, хизматлар) умумий хажмида хусусий тадбиркорлик (фукаролар мулки) субъектлари махсулотининг улуши куйидагича ифодаланади (2.1 жадвал):

2.1 - жадвал

Кичик тадбиркорликда яратилган махсулот умумий хажмида хусусий тадбиркорлик субъектлари махсулотининг улуши

	Сохалар	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари махсулоти (иш, хизмат) хажми, млн. сўм	Кичик тадбиркорлик махсулоти (иш, хизмат) хажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида
Т/р	1	2	3
1	Саноат	229146,7	59,9
2	Қишлоқ хўжалиги	1218914,0	41,2
3	Қурилиш	169482,1	58,2
4	Чакана товар айланмаси	300252,2	57,7
5	Юк ташиш, минг тн.	3393,2	66,2
6	Ёловчи ташиш, минг киши	13083,7	88,9
7	Пуллик хизмат	18089,2	83,4
8	Экспорт, минг АҚШ долл.	69191,8	0,09
9	Импорт, минг АҚШ долл.	97665,5	0,0

Дунёнинг тараққий этган давлатлари сафидан жой олишга ҳаракат қилаётган Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йилларданок фукароларимизда тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳислатларини шакллантиришга, кичик бизнес вакилларини қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бугунга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг

муҳим бўғинига айланди. Мазкур соҳанинг ички бозорга сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар етказиб бериш ва аҳолини иш билан таъминлашдаги мавқеи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 73,7 фоизи кичик тадбиркорлик сектори томонидан ишлаб чиқарилган, иш билан банд вилоят аҳолисининг 78 фоизга яқини ушбу соҳада меҳнат қилаётир. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг самарасидир. Айниқса, 2011 йилнинг мамлакатимизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муҳим воқеа бўлди.

Хусусан, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижроси алоҳида назоратга олиниб, асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантиришга, тадбиркорлик фаолиятининг асоссиз чекланишига йўл қўймасликка қаратилмоқда. Кўрилган чоратадбирлар ўз самарасини бераётир.

Ушбу маблағлар асосан янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш ва технологияларни янгилаш, ишламаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга сарфланди. Энг муҳими, кўрилаётган чора-тадбирлар бевосита одамлар тақдирига дахлдор бўлиб, уларни иш билан таъминлашда, шу орқали моддий имкониятларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун, 2013 йилда янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжудларини модернизациялаш туфайли 2215 та ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига 235 та иш ўрни яратилди.

Сирдарё вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони ўтганга нисбатан 383 тага ортиб, 5910 тага етди. 2014 йил мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 82,2 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32,1 фоиз ўсишга эришилди.

Имтиёз, имконият ва енгилликлар тадбиркорларга ажратилаётган кредит маблағлари миқдорида ҳам ўз ифодасини топаётир. Жорий йилда вилоят тижорат банклари томонидан соҳа вакилларига жами 80,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилгани бунинг далилидир. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,9 миллиард сўм кўп демакдир. Мазкур кредитларнинг 22,1 миллиард сўмини ёки 27,6 фоизини микрокредитлар ташкил этади.

Сирдарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 2014 йилда 7 мингдан ошди. Ўтган йил якунларига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 67,7 фоизни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 2013 йилга нисбатан 7 фоизга ўсган. Ўтган йили банк кредитлари кўмагида вилоятда 1 минг 471 лойиҳа амалга оширилган. Шу ҳисобдан 15 минг 939 янги иш ўрни яратилди. Бу эса бандлик дастурида белгиланган 40 минг 122 янги иш ўрнини яратишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўтган йили умумий қиймати 54,5 миллион долларлик 10 турдаги маҳсулот экспорт қилинди.

Шунингдек, барча манбалар ҳисобидан 45 та ичимлик суви иншооти, 14 та умумтаълим мактаби, 6 та касб-ҳунар коллежи, 2 та соғлиқни сақлаш, 6 та болалар спорти иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

Ҳозир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида мамлакатимиз фаол аҳолисининг 70 фоизидан кўпроғи банд бўлиб, меҳнат фаолиятининг ушбу йўналиши аҳолининг кўпчилиги учун асосий даромад манбаига айланди. Масалан, Сирдарё вилоятида ҳозирги кунда 5152 та кичик бизнес субъекти иш олиб бормоқда.

Сирдарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 2010 йилда 2 минг 500 тани ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 7 мингдан ошди. 2015 йил якунларига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 67,7 фоизни ташкил этди.

Сирдарё вилояти фаолларининг 2014 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган йиғилишида шулар хусусида сўз борди.

Вилоят иқтисодиётининг барқарор ўсаётгани аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, ўтган йили барча манбалар ҳисобидан 45 ичимлик суви иншооти, 14 умумтаълим мактаби, 6 касб-ҳунар коллежи, 2 соғлиқни сақлаш, 6 болалар спорти иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

Хусусан, тадбиркорларга бино ва ер участкаларини ижарага бериш, банк кредитлари ажратишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, 2015 йилда амалга оширилиши мўлжалланаётган лойиҳаларни ўз муддатида бажариш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вилоят иқтисодиёти ривожига ҳал қилувчи кучга айланган. Айни пайтда ялпи ҳудудий маҳсулотда уларнинг улуши 67,4, саноатда эса 32,6 фоизни ташкил этаётгани бунинг яққол далилидир.

Аҳолининг тадбиркорлик қобилияти юзага чиқиши, ишбилармонлар сафи йил сайин кўпайишида бизнес юритиш учун яратилган қулай муҳит муҳим аҳамият касб этаяпти. Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Пировардида ўтган йилнинг ўзида вилоятимизда 1476 та кичик бизнес субъекти ташкил этилди.

Сирдарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 2015 йилда 7 мингдан ошди. Ўтган йил якунларига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 67,7 фоизни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 2014 йилга нисбатан 7 фоизга ўсган. 2015 йили банк кредитлари кўмагида вилоятда 1 минг 471 лойиҳа амалга оширилган. Шу ҳисобдан 15 минг 939 янги иш ўрни яратилди. Бу эса бандлик дастурида белгиланган 40 минг 122 янги иш ўрнини яратишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

2015 йили умумий қиймати 54,5 миллион долларлик 10 турдаги маҳсулот экспорт қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик имкониятлари кўламини кенгайтириш, уларнинг фаолиятига шов бўлаётган тўсиқларни бартараф этиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўсиш суръатлари таъминлангани кайд этилди. Кичик бизнесни янада ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга устувор аҳамият қаратилаётгани туфайли 716 кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг сони 7 минг 222 тага етди.

2015 йилнинг 1 октябр ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг (деҳқон, фермер хўжаликларсиз) сони 7222 тани таш-кил килди. Жорий йилнинг январ-сентябр ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 73,7 фоизи кичик бизнес ва яқка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорлар (2014 йил январ-сентябрида 72,9 фоиз) томонидан ишлаб чиқарилди.

Иқтисодиётда жами бандликнинг 79,0 фоизи (272,9 минг киши) кичик тадбиркорлик сектори томонидан таъминланган, шундан банд бўлганларнинг катта қисми хусусий секторда бўлиб 73,0 фоиз (252,2 минг киши)ни ташкил килди, жумладан кичик ва микрофирмаларда 31,8 фоиз (109,8 минг киши)га тўғри келди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 11,5 фоизга ўсди ва 516553,6 млн.сўмни (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 31,4 фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажми 7,3 фоизга ўсиб, 1218914,0 млн.сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 99,2 фоизи) ташкил килди.

Вилоят иқтисодиётида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 30,5 фоизи яъни 181310,0 млн.сўм кичик бизнес субъектлари томонидан киритилган инвестицияларни ташкил килди, қурилиш ишларининг 98,2 фоизи ёки 249723,6 млн.сўм кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келди.

Кичик бизнес субъектларининг автомобил транспортида юк айланмаси 6,3 фоизга кўпайди ва вилоятда автомобил транспорти юк айланмасининг 88,3 фоизини ташкил килди. Юловчи айланмаси еса 7,2 фоизга кўпайиб, умумий йўловчи айланмасининг 96,7 фоизини ташкил етди.

2015 йилнинг январ-декабр ойларида кичик бизнес субъектлари томонидан хизматлар хажми 16,7 фоизга ўсди ва 517939,4 млн.сўмни (вилоят хизматлар хажмининг 62,0 фоизи) ташкил қилди.

Чакана товар айланмаси умумий хажмининг 51,8 фоизи ёки 484158,3 млн.сўм (ўсиш 115,4 фоизни ташкил қилди) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий хажмининг 33,2 фоизи ёки 85780,0 млн. сўм кичик бизнесда шаклланди. 2015 йилнинг январ-декабр ойларида кичик бизнес субъектлари томонидан 166919,6 минг АҚШ доллари миқдорида ташқи савдо айланмаси ва шундан 69254,1 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт, 97665,5 минг АҚШ доллари миқдорида импорт муомалалари амалга оширилиб, вилоят ташқи савдо айланмаси хажмида 77,0 фоиз, жами экспортда 68,7 фоиз ва жами импортда 84,2 фоиз улушни ташкил қилди.

Хусусий тадбиркорлик кичик бизнеснинг асосий қисмини ташкил қилади. 2015 йилнинг январ-сентябрида кичик тадбиркорликда яратилган махсулот (иш, хизматлар) умумий хажмида хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) субъектлари махсулотининг улуши қуйидагича ифодаланади:

2.2 - жадвал

2015 йилнинг январ-сентябрида кичик тадбиркорликда яратилган махсулот (иш, хизматлар) умумий ҳажмида хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) субъектлари махсулотининг улуши

	Тармоқлар	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари махсулоти (иш, хизмат) хажми, млн.сўм	Кичик тадбиркорлик махсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз хисобида
Т/р	1	2	3
1	Саноат	229146,7	59,9
2	Қишлоқ хўжалиги	1218914,0	41,2
3	Қўрилиш	169482,1	58,2
4	Чакана товар айланмаси	300252,2	57,7

T/p	1	2	3
5	Юк ташиш, минг.тн	3393,2	66,2
6	Юловчи ташиш, минг.киши	13083,7	88,9
7	Пуллик хизмат	18089,2	83,4
8	Экспорт, минг. АҚШ долл.	69191,8	0,09
9	Импорт, минг. АҚШ долл	97665,5	0,0

2.2. Кичик бизнес субъектларининг молиявий фаолиятини ривожлантириш йўналишлари

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга халқаро молия институтлари ва халқаро ташкилотларнинг кредит линияларини жалб этиш иқтисодиётни тараққий эттиришнинг, энг аввало жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий янгилаш, шунингдек аҳоли фаровонлигини ва бандлигини ошириш истеъмол бозорининг миллий маҳсулотлар билан тўлдириш, ишлаб чиқаришни сифат жаражасига кўтариш ва экспорт салоҳиятини оширишнинг бош дастаги ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг афзаллиги шундаки, улар мослашувчанлик хусусияти туфайли тез орада фаолият йўналишини ўзгартира олади. Катта компаниялар миллионлаб маҳсулот ишлаб чиқариб, тўсатдан бошланган инқироз туфайли ўз маҳсулотларини сота олмаслиги мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари табиийки бундай вазиятларда осон ечим топадилар. Бу билан айтиш мумкинки, ҳар қандай иқтисодий танглик шароитидан чиқиб кетиш хусусий тармоқнинг қай даражада ривожланганлиги билан баҳоланади.

Ҳозирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида халқаро молия

институтлари, халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда ва уларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳам мулкдорлар синфини вужудга келтиришга ёрдам берадиган кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришдир. Кичик бизнес жамият ҳаётининг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларига таъсир кўрсатади.

Шу боис Ўзбекистон ўзининг мустақиллиги асосида янги иқтисодий ислохотлар йўлини жорий этиш ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларини кенг ривожлантириб, ўзининг қонун-қоидаларига суянган ҳолда тадбиркор, ишбилармон ва бизнесмен кишиларга қулай шарт-шароитлар яратиб беришга интилмоқда.

Кичик бизнес ҳаракати мамлакатимизда мустақиллик йилларида шаклланиб, ўтган қисқа давр мобайнида иқтисодиётимизнинг жадал суръатларда ривожланаётган етакчи соҳаларидан бирига айланди. Ҳозирги пайтда жами ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи, ялпи ички маҳсулотнинг эса 56,7 фоизи мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Дарҳақиқат, айни пайтда деярли барча жабҳада кичик бизнес фаол иштирок этмоқда. Яратиб берилаётган қулай шароитлар туфайли ишбилармонлар сафи йил сайин кенгайиб бораяпти. Улар нафақат ички бозорни сифатли маҳсулот ва хизматлар билан тўлдираяпти, балки жаҳон бозорида ҳам мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Мисол учун, ўтган йили биргина Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш - жамғармаси томонидан 3213 та тадбиркорлик субъектига ташкилий,

ҳуқуқий ҳамда молиявий хизматлар кўрсатилиши натижасида улар томонидан 1 миллиард 45 миллион АҚШ долларилек ташқи савдо амалиёти бажарилди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч устунларидан бири ҳисобланади. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи, иш билан банд аҳолининг 77 фоизидан ортиғи мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Бунда соҳа вакилларига берилаётган имконият ҳамда имтиёзлар кўлами тобора кенгайиб бораётгани, айниқса, муҳим омил бўлаяпти.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги ислохотларни янги босқичга кўтарди. Чунки бу ҳужжатда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни сифат жиҳатидан тараққий эттириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилдики, унинг самараси амалда кўзга яққол ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2016 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш глобал иқтисодиётда инқирозли ҳолатлар ҳамон давом этаётган ва иқтисодиётнинг ривожланиши суст кечаётган, жаҳонда нархларнинг пасайиши кузатилаётган, экспортбоп кўплаб асосий товарларга нисбатан ташқи

тўловга лаёқатли талаб камайиб бораётган бир шароитда амалга оширилди.

Шундай бир шароитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан белгилаб берилган 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш учун мавжуд захира ва имкониятларни жалб этишга доир кўрилган чора-тадбирлар самарасида жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди.

Иқтисодиётнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортчи корхоналарни кўллаб-қувватлашни кучайтириш

Кичик бизнес корхоналарига ўз маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида Маҳсулотлар экспортига кўмаклашиш бюроси томонидан 2016 йил бошидан буён 398 корхонага маслаҳат хизмати кўрсатилди, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш, аккредитация, маҳсулот экспорти, халқаро ва давлатлараро талабларни жорий этиш бўйича 29 халқаро шартнома тузилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармаси 250 тадбиркорлик субъектига қиймати 250 миллион доллардан зиёд маҳсулотларни экспортга чиқаришга ёрдам кўрсатди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси орқали қиймати 150 миллион доллардан ортиқ ўз маҳсулотини экспорт қилди.

Хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш,

иқтисодиётда давлат иштироки улушини босқичма-босқич камайтириш

Иқтисодиётда давлат иштирокини янада камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарасида 2016 йилнинг биринчи чорагида хусусий секторга қиймати қарийб 216 миллиард сўмлик инвестиция мажбуриятини қабул қилиш шarti билан 178 давлат объекти сотилди.

2016 йилнинг биринчи чорагида тадбиркорлик фаолияти ва кичик корхоналар ташкил этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес субъектларига

3,6 триллион сўмлик кредит ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 марта кўпроқ, жумладан, 773 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди, халқаро молия институтларининг 40 миллион долларга яқин кредит линиялари ўзлаштирилди. Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузуридаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси кўмагида қиймати 10 миллиард сўмлик 16 лойиҳа молиялаштирилди.

Жорий йил бошидан мамлакатимиз туман ва шаҳарларида тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш «Ягона дарча» марказлари 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатиш бўйича «E-ijro» идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш орқали фаолият бошлади. Ҳисобот даврида «ягона дарча» марказлари орқали 23 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатилди.

Хусусий тадбиркорликка товар ва хом ашё бозорларидан фойдаланишининг кенгайтирилиши туфайли Республика товар-хом ашё биржасида давлат харидлари бўйича ўз товар ва хизматларини етказиб берувчи сифатида рўйхатга олинган кичик бизнес

субъектлари сони 11 фоиз кўпайди, давлат харидлари иштирокчилари умумий сониди уларнинг улуши 98,3 фоизни ташкил қилди.

Қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар шу йилнинг биринчи чорагида 8,4 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъекти, уларнинг асосий қисми саноат ва қурилиш соҳасида (30,8 фоиз) ташкил қилинди.

Бу эса, ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес улушини 2015 йилнинг биринчи чорагидаги 41,7 фоиздан 43,1 фоизга, саноатда 32,6 фоиздан 37,3 фоизга, инвестицияларда 31,5 фоиздан 40,2 фоизга, экспортда 20,9 фоиздан 24,4 фоизга, бандликда 76,7 фоиздан 77,1 фоизга ошириш имконини берди.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Чунки мазкур соҳа бозор иқтисодиёти талабларига тезда мослашувчанлиги, энг асосийси, бир пайтда кўплаб янги иш ўринлари очиш имконияти мавжудлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, бугунги кунда кичик бизнес иқтисодиётимиз таянчи, унинг барқарор тараққиёти кафолатига айланган. Республикамизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми уларнинг ҳиссасига тўғри келаётгани бунинг яққол далилидир.

Кичик корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар ўзининг юқори сифати ва рақобатдошлиги билан ташқи бозорларда ҳам тобора харидоргир бўлиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир. Чунки уларда иш замонавий технологиялар асосида ташкил этилаяптики, пировардида ҳар қандай мижознинг талабига тўла жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти юзага келаётир.

Юртимизда тадбиркорлар фаолияти қўллаб-қувватланиб, қўшимча енгилликлар берилаётгани янги-янги марраларга руҳлантираяпти. Айниқса, солиқ имтиёзлари фаолиятимизни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Нега деганда, солиқ тўловларидан иқтисод қилинган маблағлар ишлаб чиқаришни модернизациялаш, қўшимча иш ўринлари яратиш, ишчи-ходимларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришга йўналтирилаётир. 2015 йилда ушбу мақсадларга 270 миллион сўм сарфлангани бунинг тасдиғидир.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, кичик бизнес наинки ишлаб чиқаришни ривожлантириш, балки ижтимоий масалаларни ҳал этишда ҳам етакчи куч ҳисобланади. Шу маънода, юртимизда кичик бизнес аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, барқарор даромад манбаларини яратиш ва турмуш фаровонлигини оширишда асосий роль ўйнамоқда. Бугунги кунда юртимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 77 фоиздан ортиғи мазкур соҳада меҳнат қилаётгани МДХ мамлакатларидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқори экани кўп нарсани англатади.

Дарҳақиқат, кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,7 фоизга етиб, бандликдаги ҳиссаси эса 77 фоиздан ортди. Соҳага тўлиқ эркинлик бериш, тадбиркорлар йўлида ғов бўлиб турган тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётимизда давлат ҳиссасини қисқартириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ана шу натижаларни таъминлади.

2.3. Кичик бизнес субъектларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш имкониятлари

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади. Юқоридаги таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес фаолиятидаги иқтисодий манфаатлар, мақсадлар ва аниқ вазифаларнинг самарали ҳал этилишини таъминлашга қодир бўлган ички имкониятлар, зиддиятларни ҳамда уларни молиялаштириш механизмларини ривожланишининг ташкилий-иқтисодий, назарий-услубий жиҳатларини кўриб чиқиш талаб этилади.

Молиялаштириш механизми – субъектни умумий мақсадларга эришишини таъминлашга йўналтирувчи тизимдир. У бир томондан, ўзига хос хусусиятлар ва маълум бир қонуниятларига эга бўлган, бошқариладиган тизимдир. Иккинчи томондан эса, субъектни бошқариш солиқлар, баҳо, меҳнатга ҳақ тўлаш, инвестиция сиёсати, фоиз ставкалари кабилар давлатнинг тартибга солиш тадбирлари орқали турли хил бошқарув қарорлари таъсирига мойил бўлади. Хўжалик механизми ҳамда унинг таркибий қисми бўлмиш молиялаштириш механизми яқингача бошқариладиган тизимдаги етакчи соҳа сифатида ўрганишни талаб этади (2.1-чизма).



2.1 – чизма. Кичик бизнес субъектларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш концепцияси таркибий тузилишининг модели⁵

⁵ Тадкикотчининг уз хулосалари асосида тайёрланган

Молиялаштириш механизми давлат ва субъектлар ўртасидаги пул муомаласининг бирлигини ягона бошқарув объекти сифатида тан олишга асосланади. Молиялаштириш механизми, аввало субъектлар молиясини бошқаришга, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришнинг қўшимча имкониятларини аниқлаш ҳамда улардан кенг фойдаланишни таъминлашга қаратилган бўлиб, субъект раҳбарлари ва ходимларининг хулқига, молиялаштириш жараёнларини бошқариш ва тегишли қарорлар қабул қилишга таъсир кўрсатувчи бўғинлар мажмуасига эга.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш; солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Банк кредитларининг 70 фоизидан ортиқроғини ўзоқ муддатли кредитлар ташкил этди. Кичик ва хусусий корхоналарнинг 53,8 фоизи қишлоқ хўжалиги, қарийб бешдан бир қисми савдо ва умумий овқатланиш ҳиссасига тўғри келади.

Тижорат банклари кредитларининг катта қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарга йўналтирилмоқда. Кичик бизнес корхоналари банкдан олган кредитидан фойдаланиб бугунги кунда фаол ривожланмоқда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кўпайтирмоқда, ички истеъмол бозорини зарур товар ва хизматлар билан тўлдирмоқда, соғлом рақобат кучаймоқда, энг асосийси долзарб муаммолардан

бири аҳолини иш билан бандлик даражасини оширилиши таъминламоқда ва фойда олмоқда.

Молиялаштириш механизми барча йўналишларнинг умумий мақсадларга эгаллиги улар бир-бирини тақозо этувчи ва ўзаро чамбарчас боғлиқ жараён эканлигини тасдиқлайди. Бироқ корхона молиявий ҳаётидаги у ёки бу босқичда молиялаштириш механизмининг мазкур йўналишлари устуворлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Кичик ва хусусий бизнеснинг тармоқ таркибида кейинги йилларда бир қатор ўзгаришлар юз берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014й. 07 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-4609-сонли Фармонида асосан кичик бизнес фаолияти банд бўлган ходимлар сонини, жумладан: қурилиш материаллари саноатида, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатида банд ходимлар сонини 200 тага ошириш бўйича долзарб чора-тадбирлари белгилаб берилди.

Банкларнинг инвестицион кредитлари устувор равишда «2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш», «2013 йилги Инвестиция дастури» ҳамда тармоқларни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш Давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан минитехнологияларни сотиб олишни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Шу жумладан, тижорат банкларининг кредит қўйилмалари умумий ҳажми 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 30 фоизга ошиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 26,5 трлн. сўмни ташкил

этди. Бизнингча, молиялаштириш механизмининг қуйидаги асосий вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Бизнес-режа асосида молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни дастлабки босқичда аниқлаш ва молиялаштиришнинг самарали усуллари танлаш, сўнг эса кичик бизнес субъекти фаолиятининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда унинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини режалаштириш ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш.

- Кичик бизнес субъектининг жорий молиявий мажбуриятларини бажаришга имкон берувчи нақд пуллар, даромадлар ва харажатлар ҳаракатини назорат қилишга асосланган молиявий ресурслар билан таъминлаш (тезкор режалаштириш ва мувофиқлаштириш) вазифаси. Айнан тезкор режалаштириш ва мувофиқлаштириш субъектнинг ликвидлилиги ва тўловга лаёқатлилигини таъминлаши лозим.

- Вақтинча бўш бўлган молиявий ресурсларни ўз вақтида ва самарали жойлаштириш. Бунда субъект вақтинча бўш бўлган пул маблағларини умумий лойиҳа асосидаги таҳликали молиялаштиришга жалб этиши мумкин.

- Молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили. Бу вазифани бажаришда субъект активлари таркибининг таҳлили, кредит сиёсатининг самарадорлиги, таваккалчиликлар, инвестициялар таҳлили, субъектнинг дивиденд соҳасидаги стратегик вазифаларини ишлаб чиқиш каби масалалар муҳим аҳамиятга эга.

- Кичик бизнес субъектларининг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш. Молиявий стратегия жалб этилган молиявий ресурсларнинг субъектда қандай ишлатилишини, давлат пул-кредит сиёсати ва бошқа ташқи омилларининг таъсирини ҳисобга олган

юқори рентабелликка эришишни таъминлаш масалаларини белгилаб беради.

Кичик бизнес субъектлари молиялаштириш механизмини самарали ташкил этишнинг объектив шарт-шароитлари қуйидагилардир:

- ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликнинг ривожланиши;
- хўжалик фаолиятида ўз-ўзини молиялаштириш;
- баҳо шаклланишининг бозор тамойиллари ва бозор қонунчилиги;
- товар, меҳнат ва капитал бозорларининг ривожланиши;
- кичик бизнес субъектлари фаолиятига давлат аралашуви даражасининг аниқ чегараланиши (зарур меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги).

Юқорида таъкидланганидек, кичик бизнеснинг ривожланиши ва молия муносабатларини такомиллаштириш ўзаро боғлиқ бўлган жараёнлардан ҳисобланади. Чунончи, турли мулк ва хўжалик юритиш шаклларида кенг фойдаланишга ўтилиши ҳамда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиши молия муносабатларининг бозор талаблари асосида ривожланишига муҳим туртки бўлди. Шу билан биргаликда молиявий муносабатлар кичик бизнес ривожланишини рағбатлантиришнинг муҳим дастакларига эга.

Молиялаштириш механизмини такомиллаштириш ҳақида фикр юритиб унинг асосий шаклланиш манбаларини келтирамиз (2.2-чизма):



2.2-чизма: Кичик бизнес субъектларини молиялаштириш манбалари⁶

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишини янада юқори босқичга либ чиқишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимиз таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият юритаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда”.

⁶ Болтабаев М, Қосимова М. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик”. Т.: ТДИУ, 2011 йил. Иқтисод. Дарслик. 126-154 б.б.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, бизнес юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим роль ўйнамоқда. Кичик бизнес корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Марказий банк томонидан жорий йилнинг январь ойидан қайта молиялаштириш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга туширилгани, кредит аризаларини 3 иш куни давомида кўриб чиқиш белгилангани шулар жумласидандир. Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси “Бизнесни юритиш - 2015” (Doing business) бўйича мамлакатларнинг янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон қулай ишбилармонлик муҳити кўрсаткичлари бўйича жаҳоннинг 189 давлати орасида охирги бир йил мобайнида 8 поғона кўтарилиб, 141-ўринни эгаллади. “Кредит олиш” индикатори бўйича эса рейтинг кўрсаткичларининг бундан-да юқори ўсиш суръати таъминланди. Яъни ўтган йилдагига нисбатан 26 поғона илгарилаб, 104-ўринга чиқди.


Кичик бизнес корхоналари фаолиятининг дастлабки босқичларида молиявий ресурсларга эҳтиёжи юқори бўлмаса-да, улар ривожланиб фаолиятини кенгайтириб бориши давомида уларда айланма маблағларни кўпайтириш, янги техника ва технологияларни жорий этиш учун инвестиция ресурсларига талаб юзага келади. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан МДХ давлатларида кичик бизнес субъектларини ривожланиш ҳолати ўрганилган. Тадқиқотда ушбу давлатларда

кичик бизнеснинг юқори суръатда ривожланиши учун тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар ўрганилган. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти мутахассислари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра янги ташкил этилган ёки яқинда фаолият юритишни бошлаган тадбиркорлик субъектларида банк кредитларига муқобил равишда молиявий маблағлар жалб қилиш манбалари чекланган деган фикрни билдирган. Ушбу давлатларда кафолатлаш тизимини жорий этиш ва улар фаолиятини самарали фаолият юритишини таъминлашда мулк ҳуқуқини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш лозим. Молия бозорининг самарали фаолият юритиши омилларидан бири бозорни янада либерализациялаш ҳисобланади. Кредитлар фоиз ставкаларини субсидиялаш ва тўғридан-тўғри кредитлаш шаклидаги давлат аралашуви рақобат муҳити шаклланиши ва кредитлар тақсимланишига таъсир ўтказади.

Ушбу чора-тадбирлар иқтисодиётнинг маълум тармоқлари корхоналари учун мўлжалланган бўлиб, ушбу тармоқни ривожлантириш назарда тутилган. Айрим хўжалик субъектларини қисқа муддат қўллаб-қувватлаш бозордаги рақобат муҳитига салбий таъсир ўтказади деган хулоса қилинган.

Кичик бизнес субъектлари томонидан қўшимча молиявий маблағлар жалб этишда асосий манба тижорат банклари кредитлари ҳисобланмоқда. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми сўнгги 5 йил давомида 5,6 марта ортиб, 2014 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 7,3 трлн. сўмни ташкил этди. Кичик бизнес учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар сўнгги йилларда ўсиб борган бўлса-да умумий иқтисодий ўсиш суръати юқори бўлгани учун унинг ЯИМдаги улуши 5 фоиз атрофида сақланиб қолмоқда. (1-расм).

Тижорат банклари томонидан кичик бизнесга ажратилган кредитлари уларнинг жами кредит портфелидаги ва асосий капиталга инвестициялардаги улуши ўсиб борган. Ушбу кўрсаткич 2007 йилда тижорат банклари умумий кредит портфелининг 15,6 фоизини ташкил этган бўлса, 2013 йил якуни бўйича 26,3 фоизни ташкил этган. Асосий капиталга киритилган инвестицияларга нисбатан 2007 йилда 12,6 фоизни ташкил этган бўлиб, 2013 йил якунига келиб 25,3 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар тижорат банкларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳамда иқтисодиётни кредитлашда ҳали умуман фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.



2.2 – диграмма: Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ЯИМ га нисбатан (фоизда)

Ҳозирги пайтда кичик тадбиркорлик субъектларининг тижорат муассасаларидан кредит олишида гаров таъминотининг етишмаслиги ёки йўқлиги долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Кредит ташкилотларининг кичик тадбиркорлик субъектларига молиявий маблағлар тақдим этмаслигининг асосий сабабларидан бири ва шунинг баробарида уни олиш масаласи кичик тадбиркорлик субъектининг тақдим этилган кредитни ўз вақтида қайтара олмаслиги билан боғлиқ. Гаров таъминотининг йўқлиги, шу билан бирга тижорат муассасаларидан кредит ололмаслик аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини пасайтиради, кичик ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожланишини рағбатлантирмайди.

Шунингдек, кичик бизнес субъектлари кредит олишдаги муаммолари ички ва ташқи муаммоларга бўлинади. Кредит олишдаги ташқи муаммолар:

- молия институтлари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкалари юқорилиги. Юқори фоиз ставкалари кичик бизнесни кредитлаш юқори риск даражасига эгалиги билан изоҳланади.

- кредитни сўндириш муддати қисқалиги;
- кредит олиш жараёни мураккаблиги, узоқ муддатлиги ва бошқалар.

Кредит олишни қийинлаштирадиган ички муаммолар:

- кичик бизнес учун таклиф қилинаётган кредитлар чекланганлиги, кичик бизнес субъектларини кредитлашда рақобат бозори мавжуд эмаслиги;

- фаолиятининг миқёси кичиклиги, унинг ҳолатини баҳолаш қийинлиги;


- кредит олиш учун бизнес-режа тайёрлаш сифати;

- кредит тарихи мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

Молия бозори ривожланган мамлакатлар амалиётида кредит ташкилотлари маблағлари кичик бизнесни ривожлантириш учун асосий молиялаш манбаи ҳисобланади. Хорижий давлатларда кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялашда тижорат банклари маблағлари юқори улушни ташкил этади. Мисол учун, кичик бизнесга ажратилган кредитлар Кореяда 01.01.2014 й. ҳолатига ЯИМга нисбатан 38,9 %, Таиландда 33,7 %, Малайзияда 20,1 % ни ташкил этган. Банклар томонидан ажратилган жами кредитлар умумий ҳажмида кичик бизнесга ажратилган кредитларнинг улуши Хитой, Корея, Таиланд каби давлатларда 30-40 %, Индонезия, Малайзия, Қозоғистон давлатларида деярли 20 %ни ташкил этган. Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, кичик бизнесни инвестиция маблағлари билан таъминлаш учун самарали молиявий инфраструктура шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан фаол давлат сиёсати олиб борилиши зарур. Хорижий тажрибага мувофиқ, кичик бизнесни самарали қўллаб-қувватлаш кенг ваколатлар, молиявий маблағлар, бутун мамлакат бўйича филиалларига эга бўлган ихтисослаштирилган ташкилот ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда иқтисодий ривожланган давлатларда кичик бизнесни тўғридан-тўғри молиявий қўллаб-қувватлаш усуллариغا нисбатан билвосита қўллаб-қувватлаш усулларидан кўпроқ фойдаланилмоқда (2.3-чизма).



2.3 – чизма: Кредит кафолати тизими

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳасида комплекс чоратadbирларни мувофиқлашган тарзда амалга оширувчи, давлат ёки аралаш капитал билан ташкил этиладиган махсус давлат муассаса ёки ташкилоти АҚШда Кичик бизнес маъмурияти (Small Business Administration, SBA), Японияда Кичик ва ўрта корхоналар агентлиги (Small and Medium Enterprise Agency), Корея ва Чехияда кичик бизнесни молиялаш давлат корпорацияси, Германияда давлат капитали иштирокидаги ихтисослашган кредит муассасаси, Польшада Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича агентлик (PARP), Сингапурда Савдо ва саноат вазирлиги ҳузурида таadbиркорликни ривожлантириш агентлиги (SPRING), Қозоғистонда “Тadbиркорликни ривожлантириш фонди” акциядорлик жамияти (ДАМУ), Беларуссияда “Тadbиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш фонди” ташкил этилган.

Ушбу муассасалар кичик бизнес субъектларига тижорат банкларидан кредит олишда воситачилик вазифасини, керакли ҳужжатларни расмийлаштириш, лойиҳанинг барча босқичларида таadbиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади. Бунинг натижасида бизнес режани кўриб чиқиш муддати қисқариб, таadbиркорларнинг ортиқча харажатлари сезиларли камайишига олиб келади. Шунингдек, таadbиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг самарали шаклларида бири ва банк кредитларини кичик бизнесга жалб этишни оширишга имконият яратадиган кафолат бериш шакли ҳисобланади. Аксарият мамлакатларда анчадан бери муваффақиятли фаолият юритиб келаётган кафолат фондлари кичик ва ўрта корхоналарга кредит олиши учун таъминот тақдим этиб, банк ва бошқа кредит ресурсларидан фаол фойдаланишига шароит яратиб, келмоқда. Бу тажриба кичик бизнеснинг амалдаги субъектларини нафақат қўллаб-

қувватламоқда, балки янги корхоналарнинг пайдо бўлишини рағбатлантирмоқда.

Хусусан, АҚШда Кичик бизнес маъмуриятининг (SBA) кичик фирмалар кредитлари юзасидан кафолат бериш дастури мавжуд бўлиб, у кредит қайтарилиши кафолатлангани учун банклар кичик бизнес субъектларига кредит бериш шартларини сезиларли даражада енгиллаштиради. Шу йўл билан тадбиркорлар ўзларига зарур молиявий маблағларни қулай шартларда жалб қилади ва тижорат банклари учун кредитни қайтарилиш rischi сезиларли даражада камайтиради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини ошириш учун молия бозорини янада либерализациялаш, уларга хизмат кўрсатувчи молиявий инфраструктурани янада такомиллаштирилиши кичик бизнес субъектларини молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражаси ошишига хизмат қилади.

Хулоса

Кичик бизнеснинг мамлакатимиз тараққиётида, авваламбор, халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўринга эга бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатан ҳам мустаҳкам пойдеворига айланиб янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррардир.

Ушбу соҳа нафақат миллий иқтисодиётнинг ўсиш суратларини жадаллаштириш, балки бугунги кун учун долзарб ҳисобланган аҳолини иш билан таъминлаш ва турмиш даражасини ошириш масалаларни ҳал этишда етакчи ўрин тутмоқда.

Лекин шу билан бирга, бу борада айрим муаммоларга ҳам дуч келинмоқдаки, бунинг асосий сабаби кичик бизнес фаолиятини бошлаётган шахсларнинг ишини нимадан бошламоқ кераклиги, уни қандай ташкил этиш зарурлиги ва бошқариш сирлари ҳақида тўла тасаввурга эга эмаслигидадир.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, кичик бизнеснинг ривожланиши билан биз мамлакатимизда таянчимиз бўлган ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Кичик бизнес аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинига айланмоқда. Иқтисодиётни изчил ривожланишини энг муҳим омили, жамиятимиз ижтимоий ва сиёсий барқарорлигини кафолати, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган ҳаракатлантирувчи кучи сифатида амал қилади.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай

олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёсслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнес субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, шунингдек мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғлиқ.

Кичик бизнесни ривожлантириш ва унинг самадорлигини ошириш борасида яратилган қулай шароитлар соҳасининг иқтисодий ривожланишдаги, аҳолини иш билан бандлиги ва даромадларининг ўсишидаги роли янада кўчайиши ҳамда ЯИМ, экспорт ва тармоқлар ҳамда соҳаларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларидаги улуши ортиб боришига хизмат қилади.

Кичик бизнес субъектларининг ривожлантиришнинг қуйидаги йўналишларини таклиф қилиш мумкин:

Биринчидан, қонунчиликда кўзда тутилган рағбатлантириш ва имтиёзларнинг амалга оширилишини таъминлаш, кичик бизнесни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларга барҳам бериш зарур;

Иккинчидан, ислохотларнинг муҳим йўналиши бўлган кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун янги манбаларни излаб топиши, мавжуд имкониятларни янада кенгайтириш лозим. Бунинг учун, аввало, ички манбаларни, банк кредитларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш керак. Халқаро тузилмалар, хорижий компаниялар ва жамғармалар, жумладан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Германия техник ҳамкорлик жамияти, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Ўрта Осиё-Америка жамғармаси ва бошқа ташкилотлар

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш учун салмоқли кредит ажратиш ва тегишли хизматлар кўрсатишга тайёр бўлиб, бу борада улар амалий ҳаракатлар қилмоқдалар. Кейинги йилларда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг кредит ресурслари кичик бизнесни ривожлантириш мақсадларига йўналтириш зарур;

Учинчидан, кичик бизнес – келажакда ишлаб чиқариш ва экспорт таркибида ҳаракатчан, тез ўзгариш қобилиятига эга бўлган тармоқ сифатида иқтисодиётда етакчи ўрин тутишига эришиш керак;

Тўртинчидан, кичик бизнес сифатли ҳамда замонавий техник база негизига эга бўлиши керак. Бозор инфратузилмасини махсус марказлар, лизинг компаниялари тармоғини ҳар томонлама сервис хизмати йўли билан ривожланиши лозим;

Бешинчидан, алоҳида ажратилган шахсий тармоқларнинг янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига жиддий эътибор бериш даркор.

Олтинчидан, давлат маблағларидан оқилона фойдаланиш, хусусий капитални жалб этиш ва корхоналарнинг ўз жамғармаларини ишга солиш асосида таъсирчан молия-кредит механизмларини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш керак.

Еттинчидан, минитехника ва асбоб-техникалар лизингини, гаров операцияларини, ўзаро кредитлашни фаол жорий этишга кўмаклашиш.

Саккизинчидан, ўз қатнашчиларининг пай бадаллари ҳисобидан кредит ресурслари ҳажмини кенгайтириш учун кредит уюшмаларини ташкил этишни фаоллаштириш зарур.

Тутқизинчидан, истиқболда хом ашё ресурсларини қайта ишлаш ва экспортни кўпайтириш учун замонавий технологиялар сотиб олишда кичик бизнес эҳтиёжларини таъминлайдиган ҳажмларда хорижий инвестицияларни босқичма-босқич жалб этиш дастурини ишлаб чиқишдир.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни кредитлаш ҳажмининг ошиши соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЛАРИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. (янги таҳрири) 3 май 2012 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
4. ”Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 16.03.2016 йилдаги ПҚ-2507-сон, кучга кирган санаси 28.03.2016
5. ”Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 15.05.2015 йилдаги ПФ-4725-сон, кучга кирган санаси 16.05.2015
6. ”Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 08.08.2013 йилдаги ПҚ-2022-сон, кучга кирган санаси 09.08.2013
7. ”Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 24.08.2011 йилдаги ПФ-4354-сон, кучга кирган санаси 24.08.2011
8. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни купайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 11.03.2011 йилдаги ПҚ-1501-сон, кучга кирган санаси 11.03.2011

9.”Кичик бизнес ва хучусий тадбиркорлик йили Давлат дастури тугрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 07.02.2011 йилдаги ПҚ-1474-сон, кучга кирган санаси 07.02.2011

ПРЕЗИДЕНТ И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИ:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Асарлар, 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли– Т.: Ўзбекистон, 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т., “Ўзбекистон”, 1995.
4. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Асарлар, 7-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999.
5. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари // – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. – Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

8. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. – Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

9. **Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010.**

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. 1999 йил 5 феврал.

11. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда: Биринчи қақирқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV-сессиясида сўзлаган маъруза, - 14-апрель 1999 йил - Т.: «Ўзбекистон», 48 б.

12. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун хужжатлари: (Меёрий хужжатлар тўплами) I-китоб-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999-560 б; II китоб- 1998-400 б; III китоб - 1998, 416.

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаев С. Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашда банк тизмининг ўрни. БПК, 2011 йил 12 сон.

2. Абдуллаев А., Муфтайдинов Қ., Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. – Т.: “Молия” наўирёти, 2003. – 192 бет.
3. Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устивор йўналишлар. Ўқув қўлланма. . Т.: “ТДИУ”, 2007. 120 б.
4. Власовой . В.М Основы предпринимательской деятельности: экономическая теория: Учеб. пособие.– М.: «финансы и статистика», 2002. – 192 стр.
5. Ғуломов С. С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти. 2002. – 369 бет.
6. Ғозибеков Д.Ғ. Маблағларни молиялаштириш масалалари. -Т.: «Молия» нашриёти, 2003 йил. 332 бет.
7. Мадрахимов У. Кичик бизнес соҳасини ривожлантириш-иқтисодий ўсишнинг асоси, БПК, 2011 йил 4 сон.
8. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет. Ўқув қўлланма. . Т.: “Iqtisod-moliya”, 2008. 83 б.
9. Маматов Б. Носиров Э. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш. ТМИ – 2007. 150 б.
10. Рахимов М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик макроиқтисодий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили. БПК, 2014 йил 6 сон.
11. Рубе В.А. Малый бизнес: история, теория, практика. – М.: «ТЕИС», 2000
12. Собиржанова Д., Бойматова У. Хусусий ва кичик бизнес менежменти, Ўқув қўлланма. Тошкент. “Iqtisod-Moliya”-2007

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР:

1. Аҳмаджонов И.Х. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2016 йил
2. Муратов Р.С., Пулатов Н.П. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2015 йил
3. Турсунов Р.Т. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2015 йил
4. Юсупова Ю.Б. журнал “Аналитическая записка”. № 3-14, 2013

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:

1. www.cbu.uz
2. www.gov.uz
3. www.infoman.uz
4. www.iqtisod.uz
5. www.lex.uz
6. www.mf.uz
7. www.mineconomy.uz
8. www.senat.uz
9. www.sirdaryo.uz
10. www.stat.uz
11. www.uza.uz
12. www.xs.uz
13. www.ziyonet.uz